



Бахтимизнинг сабабчиси – қайнонам...

Эл орасида юрамиз. Ёши улуғ, кўпни кўрган инсонларнинг суҳбатларидан, бошларидан кечирган воқеалардан хулосалар чиқарамиз, ибратлар оламиз. Бир фотиҳа тўйида қайвони онахон гап бошлади:

– Эрим оғир касаллик туфайли вафот этди, тўрт фарзандим билан бўзлаб қолавердим. Болалар ташвиши, оила ғами, яқин инсонимдан айрилиш алами... ўз ёғимда қовурилиб яшардим. Шундай дамларда маслаҳатгўйим қайнонам бўлди. Насиҳат қилди, далда берди, қўллаб-қувватлади, ҳамيشа маҳзун кўнглимни кўтарди... Ўғил-қизларимни ҳам меҳрини аямай катта қилишди. Уйим тинч, хотирим жам, ишдан келганимда иссиқ овқат тайёр. Қайнонамнинг бош-қош бўлишини билганим учун болаларимдан кўнглим тўқ бўлиб, тирикчилик ғамида бемалол ишлардим. Хуллас, шундай меҳрибон қайнонам бўлгани учун шукрона келтираман.

Қайнонам 96 ёшида қўлимда жон берганида ҳақиқий ёлғизликка дучор бўлдим. Йўлбошчимдан, дуоғўйимдан айрилганимга қаттиқ куйиндим, касал бўлиб қолдим.

Орадан анча вақт ўтди. Бугун қандай бахтиёрман, фарзандларим тинч, невараларим бор! Сизга айтсам, бу кунларга



Анас ибн Молик розияллоху анху ривоят қилган ҳадиси шарифда бундай дейилган: «Улуғ ёшдаги бир қария Набий соллаллоху алайҳи ва салламни йўқлаб келди. Қавм унга йўл беришда кечикиб қолди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Кичикларимизга раҳм қилмаган ва қарияларимизни улуғламаган биздан эмасдир”**, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

етишишимнинг асосий сабабчиси – қайнонам. У кишининг берган тўғри маслаҳатларига амал қилдим, ўз қизларидек меҳр кўрсатдим, дуоларини олдим. Ҳозирги кунлардаги хотиржамлигим, фаровон ҳаётим ўша дуолар ижобати бўлди...

Қачон қўлимни дуога очсам, кўзларимда ёш билан ўтган яқинларим қаторида раҳматли қайнонамни ҳам эслайман...

Унинг сўзларини эшитиб ўтирган бўлажак келинчакнинг кўзларидан битта саволни уқдим. “Мен яхши келин бўла оламанми, шу онахондек қайнонамнинг дастагини олиш, дуоларига эришиш насиб этармикан менга?” деяётгандек. Унинг дилидагини англагандек, онахон суҳбатни гўзал сўзлар билан якунлади:

– Бу синовли дунёда ҳар ким амалларига кўра, ўзгаларга кўрсатган муносабатига кўра, берган меҳрига кўра жавоб олади. Сабр қилсангиз, бахтга эришасиз, албатта!

Яъни, қарс икки қўлдан чиқади. Бир қўл билан бажарилган ишлар доим ярим қолади ёхуд гўзал тарзда якунига етмайди. Шундай экан, хулоса ўзингиздан!

Шоира УМАРОВА,
Юнусобод тумани
бош отинойиси

Мундарижа

Бахтимизнинг сабабчиси – қайнонам...	1
Сохта табиб фолбиннинг ҳамтовоғи	3
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббат	4
Қаттиққўллик калтаклаш эмас	
ёхуд бола меҳрга муҳтож	5
Маҳрни мамнунлик билан берингиз	6
Хадича онамизнинг жияни	8
Мусулмонча яшаш	10
“Ўзбекистон яхши, холажон...”	11
Машинада ўтириб намоз ўқиш мумкинми?	12
Келиннинг кўз ёшлари	14
Иримчиларнинг дилозорлиги	15
Аёл саботи	16
Эй қизим	17
Балоғат, ҳомила ва ҳайз одати	18
Охиратга қолмасин...	19
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам барпо этган қўриқхона	20
Умра ибодат сафари, саёҳат эмас	22
Ҳаёт учун ўта хатарли одатлар	24
Ғам-андуҳни кетказишнинг 27 йўли	26
Хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим	28
Муфтий Муҳаммад Тақий	
Усманийнинг онаси	29
Ўгай она	30
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам севган ширинлик	32





Одамларнинг баъзи ишларини кўриб ҳайрон бўлмасликнинг иложи йўқ. Масалан, маҳаллангизда узунқулоқ гап оралаб қолади. Нима эмиш, фалончининг ҳеч иши юришмади, у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, Россия, Қозоғистонга ишлагани бориб қарзга ботиб қайтиб келди. Кейин қўшни маҳаллада

ни тирилтиргандек бўлади” (*Моида сураси, 32-оят*), деган.

Муфассирлар ушбу оятдаги “тирилтирса” калимасини “ўлимдан сақлаб қолса” маъносини билдиради, деганлар. Имом Совий раҳматуллоҳи алайҳ “Яшаб қолишига сабабчи бўлса”, дея тафсир қилган.

Бироқ шуҳратга, молу дав-

чилар шахсий манфаатлари йўлида билиб-билмасдан илмий асоссиз муолажалар қилиб, ҳар қандай касалликни “даволаш”га журъат этаверадилар, улар инсон тақдири ҳақида, ўзларининг бундай “табобатлари” қандай мудҳиш оқибатларга олиб келиши тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмайдилар.

Сохта табиб фолбиннинг ҳамтовоғи

фалона деган фолбин аёл билан келишиб олибди. Ўша аёл фол очтириш учун борганларга ўртада тузилган шартномага мувофиқ “фалончи эшонга бориб ўқитинглар, даму дуоси жуда кучли”, деб бунга юборармиш. Буниси эса фалона фолбинга бориб фол очириб келинг, кейин дам солиб қўяман, дермиш.

Ана шундан кейин икковининг ҳам бизнеси яшнаб кетди.

– Ўзи ундан бирор киши шифо топдими? – деб сўрасангиз,

– Қаёқда!.. Унинг бефаришта турқини кўрган соғ одамнинг ҳам мазаси қочиб қолади. Лекин касаллар каллаи саҳарлаб қўшни туманлардан ҳам келиб, навбат олади, одамларга бир гапни эшиттириб қўйсангиз бўлди экан-да, – деб энсаси қотади.

Яна бир қарасангиз, шу гапларни айтиб берган одамларнинг ўзлари, “Фалончи эшонга бориб ўқитиб келай...” деб ўша дуохон табибнинг олдига кетаётган бўлади. Ўзи ҳалигина унинг неча пуллик тош эканини айтиб турганди, тавба, деб ёқа ушлайсиз...

Инсон соғлиги қадрли бўлгани боис уларнинг дардларини даволаш ғоят савобли ишлар сирасига киради. Аллоҳ таоло: **“Ким уни (бир жонни) тирилтирса, худди ҳамма одамлар-**

латга учиб, дуохонлик ёки азайимхонлик даъвосини қилиб, бирор кишининг ўлимига сабабчи бўлиб қолса-чи. Ундай кимсаларнинг масаласи қандай бўлади?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимки тиб (илми)ни билмай туриб табиблик қилса, у зомин (жавобгар)дир”** (*Имом Абу Довуд ривояти*), деб табибликнинг қанчалар масъулиятли иш эканини айтганлар.

Афсуски, илм эшиклари очилиб турган XXI юзйилликда бинойи зиёли инсонлар ҳам чаласавод, сохта табиблар, фолбин, азайимхон, бахши, афсунгар каби хурофотчиларга қатнамоқда.

Юқоридаги ҳадиси шарифдан аҳоли ўртасида ғайрирасмий иш юритаётган афсунгарлар, фолбину ромчилар, дуохону азайимхонлар содда кишиларни лақиллатиб, улардан бойлик орттириш ғаразидан фойдаланиши шариатимиз аҳкомларига хилоф ва гуноҳи азим экани аён бўлади. Уларга ихлос қилиб, шифо топмоқ мақсадида мурожаат этиш эса залолат, гумроҳлик, Қуръон ва суннат таълимотига тескари иш қилишдир.

Аҳолига ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказиб келаётган бундай сохта даволов-

Юртдошларимиз содда ва ишонувчан кишиларни ўз домига илинтираётган, бунинг оқибатида беморларга ҳам жисмоний, ҳам моддий зарар етказиб келаётган сохта табиблар, фолчи-ромчи, дуохону азайимхонларнинг найрангларидан огоҳ бўлишлари лозим.

Яҳёхон БОБОХОНОВ,

Ангрен шаҳар бош имом-хатиби



Яҳёхон Бобохонов 1973 йили Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида туғилган.

1995 йили Наманган шаҳридаги «Мулла Қирғиз» (ҳозирги «Ҳидоя») мадрасасини битирган.

2019 йилдан буён Ангрен шаҳар «Қорабоғ» жоме масжиди имоми ҳамда шаҳар бош имом-хатиби бўлиб ишлайди.



Расулulloҳ

соллalloҳу алайҳи ва салламга

муҳаббат

Алихонтўра Соғуний ҳазратлари: “Ўзини мусулмон санаган ҳар бир инсон тўртта тарихни худди ота-онасини билгандек билиши зарур. Булардан бири Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам тарихидир”, деган эди.

У зотга муҳаббати бор ҳар бир инсон, аввало, бу тарихни ўрганишга ҳаракат қилади. Ўрганиш иймоннинг мустаҳкамланиши ва Исломига муҳаббатнинг зиёдалашишига сабаб бўлади. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам: **“Сиздан бирортангиз мен унга ота-онасидан, боласидан ва одамларнинг ҳаммасидан маҳбуб бўлмагунимча мўмин бўла олмайди”**, дедилар (Икки Шайх ва Имом Насоий ривоят қилган).

Очиғи, бу ҳадисни ўқиб, юрагимни хавотир эгаллади. Шарият аҳкомларини, Аллоҳнинг буйруқларини баҳоли қудрат бажарсак-да, аммо Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламини қалбдан севмасак, мен мўминман, дея олмас эканмиз. Хаёлимдан “Ахир қандай қилиб биз фарзандлар учун жонини фидо қилувчи ота-онамиздан Расулulloҳни устун қўйишимиз мумкин?” деган андиша ўтарди.

Шундан сўнг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламининг муборак сийратларини ўргана бошладим. Инсон зотининг



фитрати шундай, ўзи билган ва кўрганларини сева оларкан.

Мен ҳам жуда қисқа фурсат ичида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва салламга умматлик муҳаббатини туя бошладим. Энди у зот ҳақида бирор-бир маълумот топсам, дунё бойлигига эришгандек севинчим ичимга сиғмасди.

Маҳалламиз отинойисидан “Роҳиқул махтум” асарини ўргана бошладим. Қуръони каримда **«Кимда-ким Аллоҳ ва Пайғамбарига итоат этса, айнан ўшалар Аллоҳнинг инъомларига эришган зотлар, яъни пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ кишилар билан биргадирлар. Улар ҳамроҳ сифатида нақадар гўзалдир!»** (Нисо сураси, 69-оят), деб марҳамат қилинган.

Эй Аллоҳ икки дунёда мақтаган, эъзозлаган зот, ўзингиздан аввал ўтган пайғамбарлар ҳам сизга уммат бўлишни орзу қилганлар. Меҳрибон ва раҳм-

ли Парвардигоримиз биз ожиз бандаларига сизга уммат бўлишдек улкан бахтни бергани учун алҳамдулиллаҳ!

Эй оламларга раҳмат бўлган зот! Сиздан аввалги пайғамбарлар ўзлари учун берилган хос дуони дунёнинг ўзида ишлатиб бўлишди. Сиз эса, умматларингиз учун қиёмат кунига олиб қўйдингиз.

Ё Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам, вафотингиздан аввал муборак кўзингизга ёш олиб: **“Дўстларимни соғиндим”**, деганингизда саҳобалар: “Ё Расулulloҳ! Дўстларингиз биз эмасми?” дедилар. Шунда сиз: **“Сизлар менинг асҳобларимсиз. Дўстларим – мендан сўнг мени кўрмай иймон келтирганлардир”**, деддингиз. Сўнгги нафасингизда ҳам: **“Умматим... умматим...”** дея жон омонатини топширддингиз. Ахир сизни севмаслик мумкинми? Зотан, Раббимиз сизни яхши кўришни фарз қилиб қўйган бўлса!

Буни кўзимда ёш, қалбимда титроқ билан ёзар эканман, Сарвари коинот соллalloҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатим ортиб борар, у зотни кўпроқ англашга эҳтиёжим кучаярди. Қўлимни дуога очиб: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам “Бу менинг умматим!” дея фахрлана оладиган уммат бўлишни барчамизга насиб этиб, жаннатда қўшни бўлиш неъматини бергин”, дея тинмай такрорлайман. Салавот ва саломлар қалбимдан сўзларга кўчади...

Ўғилжон ЗУЛҲАЙДАРОВА,
Сирдарё вилояти
Ховос тумани “Ўзбекистон
тўқинчилиги” маҳалласи



Қаттиққўллик калтаклаш эмас

*ёхуд
бола меҳрга
муҳтож*



Кўпчилик ота-она фарзанд тарбиясида “осон” йўлни қўлайди, яъни айтганини қилмаган болага – шапалоқ!

Руҳиятшунослар айтишича, золим кимсалар бу – болалигида кўп алам чеккан, калтакланган кишилардир. Диққат қилинг, биринчи марта урганингизда бола сизга бўлган ишончини йўқотадди. Иккинчи марта урсангиз, болалиги йўқолади. Учинчи марта урганингизда боланинг атроф-муҳит билан бўлган алоқаси сусаяди. Тўртинчи марта урсангиз, унинг шахсиятида шафқатсизлик шакллана бошлайди, яъни бети қотади. Энди узлуксиз калтаклашга келсак, у ҳолда фарзандингизнинг сизга бўлган меҳрини, ҳурматини йўқотасиз.

Азиз ота-оналар, агар дилбандингиз яхши инсон бўлишини истасангиз, унга яхши муомала қилинг. Қуйидаги меҳрли сўзларни ҳамиша айтиб туринг:

– Сени жуда яхши кўраман.

– Нима бўлишидан қатъи назар, сени яхши кўраман.

– Ҳатто мендан хафа бўлган пайтларинг ҳам сени яхши кўрганман.

– Баъзида мендан ранжима, жаҳлимни чиқарганингда сени уришиб қўйсам ҳам, барибир яхши кўраман.

– Биздан узоқда бўлганингда ҳам сени яхши кўраман. Менинг меҳр-муҳаббатим ҳамиша сен билан бўлади.

– Ер юзидаги болалар орасидан бирортасини танлаш ҳуқуқи берилганида, мен албатта сени танлаган бўлардим.

– Сенга раҳмат, болажоним!

– Бугун сен билан ўйнаганим менга жуда ёқди.

– Бугун энг эсда қоладигани сен билан биргаликда бажарган ишимиз бўлди...

Бу сўзларга эътибор қилсангиз, ота-она нима қилиши кераклигини ҳам ўрганасиз. Тўғри, бугун вақтимиз кам-

дир, аммо юқоридаги каби сўзлар билан уни яхши кўришимизни билдирайлик!

Мабодо қайсар, дилозор ўғил-қиз катта қилган бўлсангиз, билингки, айбдор ўзингизсиз, яъни болаларингизни ёшлигида ҳурмат қилмагансиз, яхши кўришингизни айтмагансиз! Хўрланган, меҳр кўрмай улғайган боладан нима кутасиз?! Шундай экан, аввало ўзингизни тўғриланг, фарзандларингизга жаҳлингизни кўрсатманг, аксинча, мулойимлик билан муомала қилинг.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “Сўнгра ана ўша Кунда, албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсизлар!” (Тақосур сураси, 8-оят) деб айтган.

Фарзанд ҳам энг улуғ неъматлардандир. Демак, у ҳақда қиёматда ҳисоб-китоб қилинсангиз, қай аҳволда бўласиз, биродарим?!

Ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор. Албатта, тарбияда қаттиққўллик ҳам керак, лекин бу зулмга айланиб кетмасин, меъёрни билинг. Ожиз фарзандингизга куч ишлатманг...

Зеро, Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинадики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Албатта, Аллоҳ таоло рафийқ (мулойим) дир, ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради” (Муттафақун алайҳ).**

Норбиби МАРДОНОВА,
Ғиждувон тумани
бош отинойиси



Маҳрни мамнунлик билан берингиз



“Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз! Агар сизларга ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар, сизлар уни бемалол, иштаҳа билан тановул қилаверингиз” (Нисо сураси, 4-оят).

Аллоҳ азза ва жалланинг **“Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз!”** сўзи борасида Ибн Аббос розияллоху анҳудан бундай ривоят келтирилади: “Ояти каримадаги **“ниҳлатун”** сўзи “маҳр” маъносидадир”¹.

Баъзилар: “Ояти каримадаги **“ниҳлатун”** сўзи фарз маъносида, яъни уларга фарз бўлган ҳақларини беринглар, деганидир”, дейишган. Баъзилар **“ниҳлатун”** сўзи “тортиқ, совға” маъносидадир, деб айтишган. Яъни, маҳр аёлнинг валийсига эмас, балки унинг ўзига тортиқ қилинади. “Тортиқ, совға” маъносидаги **“ан-нуҳла”** дан олинган, дейишади. Баъзилар **“ниҳлатун”** сўзи “дин” маъносида келган, дейдилар. Яъни, аёлларга маҳрларини бериш диндандир. Жоҳилият аҳли қиладиган иш тўғри эмас. Чунки улар аёлларга маҳрсиз уйла-

нар эди, дейишган. Ушбу охириги сўзга кўра, оятда иймонсизларнинг маҳрсиз уйланишларига далолат бор.

Аллоҳ азза ва жалланинг **“Агар сизларга ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар, сизлар уни бемалол, иштаҳа билан тановул қилаверингиз”** сўзида хотин эрига ҳадя бериши жоиз эканига далил бор. Шунингдек, оятда “Аёл киши то туғмагунича ёки эрининг уйида бир йил туриб, сўзи ўтадиган бўлмагунича ҳадя қилиши жоиз бўлмайди”, дейдиганларнинг гапи асоссиз эканига далолат бор. Яна ояти каримада маҳр хотинга тегишли бўлишига ҳам ишора қилинган. Чунки Аллоҳ таоло ҳалол қилиб бериш, яъни ҳадя этишни уларга нисбат бериб: **“Агар сизларга ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар, сизлар уни бемалол, иштаҳа билан тановул қилаверингиз”**, деди. Шунингдек, ояти каримада аёл томонидан қарзларни ҳадя қилиб юбориш ва кечиш жоизлигига ҳам далил бор. Хотин эрининг зиммаси-

да қарз бўлиб турган маҳрини ҳадя қилиши мумкин.

Мазкур ояти кариманинг таъвили борасида яна бошқа қараш ҳам айтилган. Яъни, жоҳилият даврида оталар ва валийлар аёлларнинг маҳрларини олиб қўяр эдилар. Аллоҳ таоло уларга аёлларнинг маҳрларини олмасликларини буюрди. Маҳр валийнинг эмас, балки аёлнинг ҳақи эканига ҳукм қилди. Бироқ аёлнинг ўзи валийсига ҳадя қилса, у ҳолда олиши ҳалол бўлади.

Аллоҳ азза ва жалла: **“Сизлар учун бемалол (унда бирор дард бўлмаган ҳолда), иштаҳа билан (унда бирор гуноҳ бўлмаган тарзда) тановул қилаверингиз”**, деган. Баъзилар: «Ояти каримадаги **“ҳанийъу”** сўзи – “тановул пайтида мазза қилинадиган нарсаси” ва **“марийъу”** сўзи “оқибати мақталадиган” маъносида келган», дейишади.

Сўнгра бу ўринда **“ҳанийъу”** ва **“марийъу”** сўзлари зикр қилинишида икки ҳикмат мавжуд. Биринчиси, кўплаб оятларда хотинлардан маҳрни олиб қўядиган кишилар борасида огоҳлантиришлар келган. Аллоҳ таоло: **“Агар бир хо-**

¹ Тафсири Табарий. 4/241. Суютий. Дуррул мансур. 2/431.

тинни (талоқ қўйиб), ўрнига бошқа хотинни алмаштирмоқчи бўлсангиз, аввалисига гарчи уюм-уюм молни (махр қилиб) берган бўлсангиз ҳам, ундан бирор нарсани қайтариб олмангиз. Уни бўхтон ва аниқ гуноҳ билан оласизми?! Ахир, бир-бирингиз билан қовушиб..." (Нусо сураси, 20–21-оятлар), деган. Валийлар ёки эрлар мана шунга ўхшаш оятларда келган огоҳлантиришлардан қўрқиб, хотинлар махрларини уларга ҳада қилган пайтда бош тортмасликлари учун: **"Сизлар уни бемалол, иштаҳа билан (унда бирор гуноҳ бўлмаган тарзда) тановул қилаверингиз"**, деб зикр қилинган.

Иккинчиси, ихтиёрий равишда хотин томонидан берилган махрни қабул қилишдан бош тортиш ёқимсиз ҳолатнинг юзага чиқишига ва адоватнинг қўзғалишига сабаб бўлиб қолиш эҳтимоли бор. Бу эса эр-хотин ўртасидаги алоқа узилишига боис бўлиши мумкин.

Баъзилар: «Аллоҳ азза ва жалланинг **"Хотинларга махрларини мамнунлик билан берингиз!"** сўзи "қалбингиздан розилик билан берингиз" маъносида келган. Аллоҳ таоло гўё: "Хотинларга махрларини ёмон кўрган ҳолда берманглар. Балки уларга махрларини қалбан хурсандчилик билан беринглар. Чунки махр сизларнинг эмас, балки уларнинг ҳақидир", деган», дейишади.

Аллоҳ азза ва жалланинг **"Агар сизларга ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар..."** сўзи "Хотинлар сизларга махрдан бирор нарсани қалбдан рози бўлиб, ёмон кўрмасдан берсалар, у ҳалолдир" деган маънодадир. Алқама² хотинига: "Мен бемалол, иштаҳа билан тановул қилинадиганидан таомлантир", дер эди³.

Али розияллоҳу анху: "Агар сизлардан бирортангиз бемор бўлиб қолсангиз, хотиннинг махридан уч дирҳам сўрасин. Сўнгра унинг эвазига асал сотиб олсин. Сўнгра уни ёмғир суви билан аралаштириб ичсин. Аллоҳ таоло **"ҳанийъу"** – еган пайтида мазза қилинадиган нарса ва **"марийъу"** – "оқибати мақталадиган" нарсани, шифони ва баракотли сувни жамлайди", деган⁴.

Шунингдек, Аллоҳ таолонинг **"Сизлар уни бемалол, иштаҳа билан тановул қилаверингиз"** ояти тўғрисида яна айтилади: "Албатта, нафақа эрнинг зиммасида мажбурият бўлса-да, лекин хотин ўзини ўзи таъминласа, эр нафақа бермаслиги мумкин. Чунки нафақани хотиннинг ўз зиммасига олиши, ўз хоҳишига кўра берган молидан унга эри нафақа қилишидан ортиқ эмас.

Аллоҳ таоло хотин эрига розилик билан берган махрдан фойдаланишни **"бемалол, иштаҳа билан..."** деб сифатлади. Чунки гоҳида хотин берган молини миннат қилиб қолиши ёки хотиннинг нафақа-

си эрнинг зиммасида бўлгани ёхуд аёл уялиб, эрига берган бўлиши ё махрни қабул қилиш "Хотиннинг молига таъма қилиб уйланибди", деган гумон пайдо этгани учун эркак кишининг табиати унинг махрдан ҳадысини қийин қабул қилади. Аллоҳ таоло мана шу эҳтимоллар борлиги боис уни ниҳоятда пок мол деб сифатлади. Ушбу ояти кари-мада хотинни шу каби ишлар билан эрига яхшилик қилишга ва эр-хотин ўртасида гўзал муносабат ўрнатишга ундаш маънолари баён этилган. Бу масалани Аллоҳ таоло ажримдан кейинги ҳолатда зикр қилиб: **"Магар улар (шу ярмини олишдан ҳам воз) кечиб юборса ёки никоҳ ўз ихтиёрида бўлган киши (яъни эр ўша ярим махрдан) воз кечса (уни мукамал тўласа, жониздир)"** (Бақара сураси, 237-оят), деган. Чин кўнгилдан берилган нарсани қабул қилиш эр-хотин ўртасида меҳр-муҳаббат пайдо этади ёки уни бардавом қилиб қўяди. Зеро, Аллоҳ таоло: **"Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир"** (Рум сураси, 21) оятида айтганидек, иккиси ўртасига меҳр-муҳаббат солиб қўйган.

Имом Мотуридийнинг
"Таъвилотул Қуръон"
асаридан

Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ
таржимаси

² Алқама ибн Қайс Нахъий Куфий Абу Шибл. Фақиҳ ва ишончли муҳаддис. Х. 60/ м. 679 йилдан кейин вафот этган.

³ Тафсири Табарий. 4/242. Суютий. Дуррул мансур. 2/432.

⁴ Тафсири Қуртубий. 5/27.



Хадича онамизнинг жияни

Умайма бинти Руқайқа розияллоху анҳо аёллар байъати борасида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ҳадиси шариф ривоят қилган саодатли саҳобия аёл...

Хадича розияллоху анҳо онамизни синглисининг қизи...

Ҳазрат Абу Бакр розияллоху анҳу сотиб олиб озод этган қуллардан.

Макканинг қоронғу уфқларида Ислом қуёши балқий бошлаган кезларда холаси – Хадича розияллоху анҳо таъсирида муслима бўлди. Отаси Абдуллоҳ ибн Бижод, онаси Руқайқа бинти Хувайлиддир.

Умайма бинти Руқайқа розияллоху анҳони ҳам мушриклар бошқа саҳобалар каби иймони учун қийноққа солишди.

Аммо у ҳеч қачон ўз эътиқодидан воз кечмади.

Ислом куртак очган паллада мушриклар заиф, камбағал ва ҳимоясиз мусулмонларни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, қийноққа солишарди. Абу Бакр розияллоху анҳу уларни сотиб олиб, озод этарди. Бир гал бир неча саҳобия аёлни сотиб олиб, озод қилди. Бундан хабар топган отаси Абу Қуҳофа ўғли Абу Бакр розияллоху анҳуга деди:

– Ўғлим, сен бу одамга (Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламни назарда тутиб) боғланиб қолдинг. Қавмингни унутдинг! Бу ҳам етмагандек, уч-тўртта заифани сотиб олдинг! – деб танбеҳ берди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳу мулойим, юмшоқ табиатли инсон эди. Қалби меҳрга тўла эди. Садоқатли, онгли мўмин эди.

Аллоҳнинг розилигини қўлга киритиш учун бор мол-дунёсини сарфларди. Мўминлар биродарлиги учун талаб этиладиган ҳеч бир харажат-

дан қочмасди. Иймонига садоқатини моли, жони – ҳамма нарсаси билан исбот этди. Отасини хушнуд қиладиган ёқимли сўзлар айтиб, уни хотиржам қилди.

Умайма бинти Руқайқа розияллоху анҳо бало ва мусибатларга сабр қиларди, ҳар нарсанинг Аллоҳдан эканига ишонарди.

Бир куни кўзига нимадир кириб кетди ва кўрмай қолди. Мушриклар бу вазиятдан фойдаланиб:

– Мусулмон бўлганинг учун Лот ва Уззо сени кўр қилиб қўйди, – дея маломат қилдилар.

Умайма розияллоху анҳо бу сўзларга эътибор бермади, бутларга қалбида заррача мойил бўлмади. Бу насага бутлар қодир эмаслигини айтди. Қалбининг тубидан келган иймон ҳаяжони билан мушрикларнинг юзларига ургандек ҳайқирди:

– Йўқ!.. Асло!.. Мутлақо ундай эмас!.. Бу Аллоҳдан келган наса. Бу сизларнинг бутларингиздан эмас, Аллоҳдан келган синов!

Умайма розияллоху анҳонинг иймонига содиқлигини кўрсатган ушбу сўзларидан кўп ўтмай, Аллоҳ таоло кўзларига шифо берди.

Доимгидек, Аллоҳга ва Унинг қудратига ишонмайдиган мушриклар: “Бу Муҳаммаднинг сеҳрларидан бири”, дея жар солдилар. Яна муваффақиятсизликка учрадилар.

Иймон нақадар улуғ неъмат! Иймон-ла яшаш қанчалар улуғ шараф! Эй Раббим! Бизни шу иззатинг билан шарафлантир!





Ҳубайб ибн Каъб розияллоху анху билан оила қурган Умайма бинти Руқайқа розияллоху анҳонинг Наҳдия деган қизи бор эди.

Умайма розияллоху анҳо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам боқий дунёга кўчганларидан кейин ҳам яшади.

Манбаларда иккита ҳадис ривоят қилгани келтирилади. Улардан бири аёлларнинг байъати ҳақида.

Умайма бинти Руқайқа розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига аёллар билан келдим ва: “Эй Аллоҳнинг Расули, сизга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмасликка, ўғрилиқ, зино қилмасликка, болаларимизни ўлдирмасликка, қўлларимиз ва оёқларимиз орасидан бўҳтон тўқиб келтирмасликка ҳамда сизга яхшилик қилиб, ишда исёнга бормасликка байъат қилдик”, дедим.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Қудратингиз етган ва тоқат қилган нарсангизда”**, дедилар. Биз: “Аллоҳ ва унинг Расули бизга ўзимиздан кўра раҳмлироқ, келинг, сизга байъат қилайлик, эй Аллоҳнинг Расули”, дедик. Шунда у зот: **“Мен аёлларнинг қўлини олмайман, албатта, юзта аёлга айтган гапим, битта аёлга айтган гапим кабидир”**, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Фахри коинот соллаллоху алайҳи ва саллам шу воқеа воситасида илк бор Исломнинг янги бир одобини ўргатдилар. Никоҳланишлари мумкин бўлган аёл ва эркак бир-бирларининг қўлларини

ушлашлари мумкинмаслигини англатдилар.

Умайма розияллоху анҳодан ривоят қилинган иккинчи ҳадис қуйидагича: **“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ўринлари ёнида бир идиш бор эди. У зот кечалари шу идишда таҳорат қилар эдилар”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Ушбу ҳадис умматга қийин ҳолатларда ёки кўчага чиқишга тўсқинлик бўлганида ва зарурат пайтларида ишларни енгиллаштириш йўлини кўрсатган.

Умайма бинти Руқайқа розияллоху анҳо ҳақида манбаларда унчалик кўп маълумот йўқ. Қаерда, қачон вафот этгани ҳам номаълум. Аллоҳ ундан рози бўлсин. Раббимиз барчамизга шафоатини насиб этсин. Омиён!

Нуриддин ЮСУПОВ
таржимаси



Нуриддин Юсупов 1973 йили Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида туғилган.

2022 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти битирган.

2017 йилдан бери «Султон Увайс бобо» жоме масжиди ҳамда Беруний тумани бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.

Энг катта хато нима?

1. Асрашинг керак бўлган энг ноёб нарса – вақт. Сен эса уни осонгина зое қилмоқдасан!

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда

2. Одамнинг ўзи истамаса, ҳеч қандай ўғит-насихатлар унга тўғри йўл кўрсатолмайди.

Ромен Роллан

3. Ҳеч қандай хато қилмаган одам ҳеч нима қилмаган одамдир. Бу ҳаётдаги энг катта хато ўзингни хатосиз ҳисобламоқдир.

Юнус Эмро

4. Бошқаларга ёрдам беришга интиладиган одамгина муваффақиятга эришади. Фақат ўз фойдасини ўйлайдиганлар эса мағлубиятга учрайверади.

Браян Трейси

5. Ёки илми бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, аммо тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб, ҳалок бўласан.

Маҳмуд Замахшарий

6. Муваффақият асосий мақсадингиз кўз олдингизда турганда келади. Мақсадингиз кўздан нари кетиши билан муваффақият ҳам кетади.

Бернард Шоу

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Эркаклар аёллар устидан** (оила бошлиғи сифатида доимий) **қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар) ни айримлари (аёллар)дан** (баъзи хусусиятларда) **ортиқ қилгани ва** (эркаклар ўз оиласига) **ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир”** (Нисо сураси, 34-оят).

Бу оятда Аллоҳ таоло эркакларни жисмонан бақувват ва оила бошлиғи қилиб, аёлларни эса заифа, яъни нозик хилқат қилиб яратганини таъкидламоқда. Шу билан бирга оила таъминловчиси эркак бўлиши лозимлиги англашилмоқда. Бу меъёр Аллоҳ таолонинг эр ва хотин ўртасидаги мувозанатидир. Инсоният шу асосда неча асрлар яшаб келмоқда.

Аммо ХХІ асрга келиб, ғарб давлатларида эркак ва аёл нуфузи борасида турли қарашлар авж олди. Бундай тушунчалар бора-бора оила аталмиш муқаддас даргоҳнинг дарз кетишига олиб келмоқда. Бугун дунё статистикасига назар ташласак, ғарб мамлакатларида оилавий ажримлар сони 90 фоизгача етганини кўришимиз мумкин. Афсуски, йил сайин юртимизда ҳам бу кўрсаткичлар ортиб бормоқда. Ўтган 2022 йилда 49 мингта оила ажрашган бўлса, бу йилнинг саккиз ойида мазкур кўрсаткич 33 мингтага етган. Бу рақамларнинг ортишига Аллоҳ таоло белгилаб

берган ўша мувозанатнинг бузилиши ҳам сабаб бўляпти.

Швецияда малака ошириш курсларида ўқиб юрган кезларим. Гуруҳимиздаги ўша ерлик ғайридин аёл сўнгги кунларда дарсларга ғамгин ҳолда келарди. Унга бироз таскин бериш умидида ҳол-аҳвол сўрадим. У бўлса:

– Турмушга чиққанимга уч йил бўлди, ажрашяпмиз, – деди маҳзун ҳолда. Унинг ҳафалигидан ўзи бу ишга рози

Мусулмонча яшаш



эмасдек эди. Тўғриси, турмуш ўртоғим яхши инсон, лекин мен ўзим ажрашмоқчиман. Сабаби мен уйда ҳамма нарсаси ўз ўрнида, ўз вақтида бўлишини хоҳлайман. У эса бунга безътибор. Ҳатто иккаламиз тақсимлаб олган уй юмушларини ҳам қилмайди. Яъни, уч кун мен уйларни саранжомласам, кейинги уч кун унинг навбати. Кўпинча бу юмушларнинг ҳаммаси менга қолади. Ҳар сафар шуни деб жанжал-

лашаверамиз, бундай яшагандан кўра ажрашганимиз маъқул, деб ўйладим.

Унга:

– Бу вазиятдан чиқиш йўлини кўрсатсам, амал қиласизми? – дедим.

– Албатта, ўзимнинг ҳам ажрашгим келмайди, – деди у.

Кейин унга динимизда эркак ва аёлнинг вазифаси, улар нима учун яратилгани ҳақида сўзлаб бердим. Уй юмушларини ўзи қилиши зарурлигини уқтирдим. У “Бу адолатсизлик-ку, ахир мен ҳам ишлайман”, дея эътироз қилди. Аммо бахти учун буни қилиш кераклигини, турмуш ўртоғини ўзига мос юмушлар билан банд қилиш зарурлигини айтдим. Ҳеч бўлмаса, бир-икки ҳафта шу тарзда яшаб кўриш кераклигини таъкидлаб, ажрашиш ҳеч кеч бўлмаслигини тушунтирдим.

Кейинги кунларда жувоннинг юзида ҳаётдан мамнунлик кўринди. Ҳатто эри ундаги ўзгариш, фидойиликдан қувониб, ўқув машғулотларига ўзи олиб келадиган бўлди. Аёл ҳам эрининг эъзозидан хурсанд.

“Мусулмонча яшаш”нинг тутуми бир ғайридин оилани асраб қолди. Афсуски, мусулмон бўлатуриб бунга амал қилмаётганлар бор. Балки шу тушунчани ёшлар орасида кенг тарғиб қилсак, ажрашишлар сони бироз камаярмиди?

Жамила МАҲМУДОВА,
ўқитувчи



“Ўзбекистон яхши, холажон...”

Йўллардаги тирбандликлару носозликлардан нолиб қоламиз. Таниш-нотанишларнинг ўзаро суҳбати у ёки бу вилоятнинг камчиликлари бўлиб қолган. Яқинда қариндошимизникига меҳмонга кетаётсак, “Қиш яқин, ҳозирдан газ йўқ, чироқ кўп ўчса, совуқда нима қиламиз?” дея шикоят қилишди. Мен ҳам: “Ҳа, газ бизда ҳам йўқ”, деб пичирлаб қўйдим.

Яқинларнинг дийдори яхши-да! Бундай дамларда вақт жуда тез ўтади. Бир-биримиз билан хайрлашгимиз келмай, кўчада суҳбатлашиб қолдик. Шу вақт қўшни ҳовлидан мўралаб турган қизалоқ диққатимни тортди. Синглимнинг ҳам унга кўзи тушиб: “Салима! Кел, қизим, холаларинг билан кўришмайсанми?” деди. Нигоҳлари сўлғин қизалоқ олдимизга келди-ю, индамай турди. Синглим қизалоқнинг сочларини силаб, мақтай бошлади. Мен унга ширинлик тутдим, у оласолиб югуриб кетди. Синглим: “Опажон, бу қўшнимизнинг набираси. Онаси билан Суриядан келган. Улар ҳеч одамларга қўшилолмаёпти”, деди. Шу вақт қўшни ҳовлидан қизини қидириб онаси чиқиб қолди, олдимизга келиб биз билан сўрашди. Синглим мени та-

ништираркан, “Ҳозир сиз ҳақингизда айтиб турган эдим. Қизингиз яхши бўлиб қолдимми?” деди.

– Ҳа, раҳмат! Лекин ҳамма болалардек ўйнаб кетишига вақт керак-да барибир.

Биз билан суҳбатлашишни истамайгина турган аёлнинг кўзлари ёшланди, хайрлашди-да, кетди. Синглим, аёлнинг эри ва яна икки ўғли Суриядан ҳалок бўлганини айтди. Она-боланинг аччиқ тақдири ҳақида гапириб бераркан, улар янги келган вақтида завқи ичига сиғмаган қизалоқ: “Ўзбекистон яхши экан, ойим менга ширин кулчалар пишириб беряпти, ўртоқларим билан мазза қилиб ўйнаёпман, бобом ва бувим ҳар хил ширинликлар беришади, келинойим қўйлакча тикиб берди”, деган экан.

Инсоннинг бахтли яшаши учун кўп нарса керак эмас. Очликка ҳам, муҳтожликка ҳам кўникиши мумкин. Лекин нотинчлик бўлса, бирор нарса татийдими? Бугунги тинч кунимизга ношукрлик қилганимдан уялдим. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Шукр қилувчиларни эса, албатта, мукофотлаймиз”** (Оли Имрон сураси, 145-оят) дея марҳамат қилади. Ва яна: **“Бандаларим орасида**

(Аллоҳга) **шукр қилувчиси оздир”** (Сабаъ сураси, 13-оят), дейди.

Ибодатларимизнинг ҳаловати, Қуръон тиловатлари аслида осойишталигимиз сабаблидир. Олис юртларда хор бўлган, хатосини кеч бўлса-да, тушуниб, яқинлари олдида қайтган инсонлар урушнинг аччиқ азобини, ҳаловатсиз кунлар изтиробини яхши англашади. “Бугун егулик тополаманми?” деган хавотирда тонг оттирган болалар бор. Раббимизга минг бора шукрларимиз бўлсинки, юртимиз болалари мириқиб ухлашяпти, бобосига, момосига эркаланиб, қариндошларининг меҳрини ҳис қилишяпти.

Инсон ҳар дами учун шукр қилиши суннат амал. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб, икки оёқлари шишиб, йиғидан кийим ва жойнамоzlари ҳўл бўлиб кетарди. У зотга: “Сизнинг аввалгию охири гуноҳингиз мағфират этилган бўлса ҳам шунчалик такаллуф қиласизми?” деб сўраганларга: **“Шукр қилувчи банда бўлмайинми?”** дер эдилар (Имом Термизий ривояти).

Дилноза ШОДМОНОВА,
Нарпай тумани отинойиси



МАШИНАДА ЎТИРИБ НАМОЗ ЎҚИШ МУМКИНМИ?

САВОЛ: Узоқ йўлга чиққанда машинада ўтириб намоз ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Фикҳий китобларимизда бундай дейилган: “Динимизда енгилликлардан бири бирор-бир узрсиз нафл намозларни шаҳар ташқарида улов устида, қиблага юзланмасдан ҳам имо-ишора билан ўқиш мумкинлигидир”.

Ибн Умар розияллоху анхумо айтадилар: “Набий солаллоху алайҳи ва салламни Хайбар томонга юзланиб, уловлари устида намоз ўқиётганларини кўрдим” (*Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Насоий ривояти*). Фарздан олдинги ва кейинги суннатларни ҳам уловда ўқиш жоиз бўлади, лекин Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ бомдоднинг суннاتини уловдан тушиб ўқиш керак, чунки бошқа суннат намозларга нисбатан унинг даражаси юқори, деганлар.

Фарз ва витр намозларни узрсиз улов ва машинада ўқиб бўлмайди. Уловдан тушса, касали зиёда бўлиши, йиртқичдан ёки душмандан қўрқиш ёхуд ер лой бўлиб, саждада юзи лойга ботиб кетадиган бўлиши узр ҳисобла-

нади. Шунингдек, назр намозларни, бузиб қўйилган нафлнинг қазосини, жаноза намозини, ерда тиловат қилинган сажда ояти саждасини уловда адо этиш жоиз эмас (*“Фатҳу бабил иноя”*).

САВОЛ: “Кибр – ҳақни инкор қилиш ва одамларни камситиш”, деган маънода ҳадис бор экан. Шу ҳадисни шарҳлаб берсангиз. “Ҳақни инкор қилиш” деганда нима тушунилади?

ЖАВОБ: Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ солаллоху алайҳи ва саллам: *“Қалбида зарра миқдорда кибр бўлган одам жаннатга кирмайди”*, дедилар. Бир киши: “Албатта, киши кийими ва пойабзали чиройли бўлишини хоҳлайди. (Бу ҳам кибрми?)” деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом: *“Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни севади. Кибр – ҳаққа унамаслик ва одамларни (қадрини) пастга уриш”*, дедилар (*Имом Муслим, Термизий, Абу Довуд, Ибн Можжа ва Аҳмад ривояти*).

Шу ҳадиси шариф шарҳида Мулла Али Қори бундай

деган: “Ҳақни инкор қилишдан мурод неъмат келганда туғёнга кетиш, Аллоҳ таолонинг тавҳиди, ибодатини инкор қилиш, ҳақиқатни қабул қилмасликдир” (*“Мирқотул мафотиҳ”*).

САВОЛ: Почча қайнсингилга маҳрам бўладими?

ЖАВОБ: Почча қайнсингилга номаҳрамдир. Шунинг учун қайнсингилнинг почча билан ёлғиз қолиши мумкин эмас. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «...Икки опа-сингилни қўшиб (никоҳлаб) олишингиз (ҳам ҳаром қилинди)» (*Нисо сураси, 23-оят*).

САВОЛ: Баъзи пайтларда хуфтон намозини ўқиётганимда чақириб қолишади. Шундай вазиятда фарз ёки суннат намозини бузсам бўладими?

ЖАВОБ: Киши бошлаган фарз ёки суннат намозларини қуйидаги ҳолатлардан бошқа ҳолатда бузиши мумкин эмас. Аллома Шурунбулоғий “Нурул изох”да бундай дейди: “Муҳтож одам оғир вазиятда ёрдам сўраб чақирса, намозни бузиш вожиб бўлади. Лекин кимдир

йўқлаб келиб чақирса ё ота-онаси шунчаки чақирса, намозини бузиб бўлмайди. Имом Таҳовий: “Бу масала фарз намозларга тегишли. Агар ота-она фарзандининг намоз ўқиётганини билмай чақирса, намозни бузиб, жавоб қайтариш керак”, деган (*“Мароқул фалаҳ”*).

Намозни яна ушбу ҳолатларда бузиш жоиз:

- доя туғиладиган боланинг ўлиб қолишидан қўрқса;
- ўғри ўзининг ёки ўзганинг бир дирҳам (тақрибан саксон минг, юз минг сўм)га тенг молини ўғирламоқчи бўлганида;
- қўйларига бўри ҳужум қилишидан қўрққанда (шунга ўхшаш ҳолатларда);
- кўр киши чуқурга тушиб кетиш эҳтимоли бўлганда ёки гўдак хавф остида қолганида.

САВОЛ: Беморлик сабабли она истинжо қила олмаса, қизи унга шу ишни қилдириши жоиз эмас, бошқа киши ёрдам бериши керак, дейишди. Бу масалада қандай йўл тутилади?

ЖАВОБ: Аллоҳ таоло бандаларига тоқати етмайдиган ишларни буюрмаган. Қуръони каримда марҳамат қилинади: **«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсасига тақлиф қилмас...»** (Бақара сураси, 286-оят). «... (Аллоҳ) динда сизларга бирор ҳараж (қийинчилик) қилма-

ди» (Ҳаж сураси 78-оят).

Банда имконият даражасида ибодат қилишга буюрилган. Масалан, туриб намоз ўқий олмаса, ўтириб ўқийди. Ўтириб ўқий олмаса, ётиб ўқийди ва ҳоказо.

“Муҳит” ва “Фатавои Қозихон” китобларида: “Таҳорат қила олмайдиган аёлнинг эри бўлмаса, қизи ёки синглиси уни таҳорат қилдириб қўяди.

Лекин истинжо қилдирмайди, чунки ўғил отасининг авратини ушлаши мумкин эмас. Ундан истинжо соқит бўлади.

Демак, ўзи истинжо қила олмайдиган аёлни фақат эри, эркакни эса фақат хотини истинжо қилдириб қўйиши жоиз, холос.

САВОЛ: Намоз ўқиётганда сажада кўзни юмиш мумкинми?

ЖАВОБ: Жумҳур уламолар намозда кўзни юмиш танзиҳий макруҳ бўлади дейишган. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сизлардан бирингиз намозда турганда кўзини юммасин”**, деганлар (Имом Табароний ва Ибн Адий ривояти).

Аллома Ибн Обидин раҳимахуллоҳ “Раддул муҳтор”да: “Агар намоз ўқиётган киши қалб ҳозирлигига, хушуга эришиш мақсадида кўзини юмса, макруҳ бўлмайди”, деган.

САВОЛ: Намоздан сўнг нима деб дуо қилиш керак?

ЖАВОБ: Намоздан сўнг ҳадисда ворид бўлган машҳур дуолар билан, шунингдек, ҳамма эҳтиёжларини сўраб дуо қилиш мумкин. Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу ривоят қилади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Эй Парвардигорим, мени бандаларингни жамлайдиган, тирилтирадиган қунда азобингдан сақла!”** деб дуо қилар эканлар (Имом Муслим ривояти).

Муғира ибн Шуъба розияллоҳу анҳу ривоят қилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар намоздан сўнг: **“Эй Аллоҳ! Сен ато қилган нарсани ман қилувчи йўқ. Сен ман қилган нарсани берувчи йўқ. Ҳаракат, ғайрат ҳам, буюклик ҳам Сендандир!”** деб дуо қилганлар (Имом Бухорий, Имом Аҳмад ва Имом Муслим ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуга ҳар бир намоздан сўнг: **“Аллоҳумма Робби, аъинний ғала зикрика ва шукрика ва хусни ғибадатик”**, деб дуо қилишни ўргатганлар (Имом Аҳмад, Имом Абу Довуд ва Имом Насоий ривояти).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази
(78) 150-33-44

Келиннинг кўз ёшлари

Ажрим – никоҳнинг энг нохуш ниҳояси. Сабаби ҳар хил бўлиши мумкин, бироқ ажрим бор экан, бундан жабр кўрувчилар бўлади. Ва яна шундай жабр бўладик, “ажралиш” ҳаёти давомида уни изтиробларга солади. Масалан, ўша оилада вояга етган қиз келин бўлганда онасининг ажрашганини қайнонаси юзига солиши, мағрур йигитни ота-онасининг ажрашгани эгиб қўйиши мумкин. Афсуски, диллар озор топади, бироқ дилозор кимсалар бу озорларни ҳис этмайди.

Навбатдаги ажрим масаласида келган инсонларни кўриб кўпчилик ҳайрон қолди. Набирали, ёши каттароқ аёл ва кекса эркак ажрашмоқчи. Судья уларга: “Отахон, онахон, биз ёшларни яраштиролмаяпмиз-ку, сизларнинг бу ишингиз нимаси?” Аёл уйида ҳар куни жанжал эканидан, кексайиб, эрининг феъли айниб қолганидан шикоят қилди. Отахон аёлининг набираларидан ортмаётгани ва унга эътибор бермаётганидан нолиди. Бу баҳоналар келишув билан якунланди.

Бугунги кунда кексаларнинг ҳам ана шундай бир-бирини тушунмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Маҳаллада қайнона-келин можароси сира тинмайди. Қўшни маҳалладан келин бўлиб тушган Зилола қанча иш қилса ҳам, қайнонасининг кўнглини тополмади. Унинг оилавий шароитиданми ёки ўзи хоҳлаган қизни келин қилмаганиданми, қайнонаси ҳар ишидан айб қидирарди. Зилоланинг жон-жонидан ўтиб кетгани ҳар куни “Онанинг ажралиши билди, қизига ҳам ўргатсин, сиз ҳам ажрашинг”, дейди. Бу учун кимдан аламини олишни билмаган Зилола онаси билан жанжаллашади: “Нега сабр қилолмадингиз! Отамнинг зуғумларига, хиёнатларига сабр қилганингизда бугун бу дашномларни эшитмасдим. Ёмон бўлса ҳам, отам бўларди”. Зилола бир куни шундай гапларни айтиб қайтганидан кейин эртаси куни онасининг бетоб бўлиб шифохонга тушиб қолганини эшитди.

Баъзан тилимиздан чиқаётган сўзлар дилларни вайрон қилишини билмаймиз. Бирор ҳолатга сабабини билмасдан ҳулоса чиқариш керак эмаслигини тушунмаймиз. Айниқса, қайноналар тилига эрк бериб, келинлардан айб топишга, уларни ҳақорат қилишга уринишади. Ажримларнинг айримларида қайноналарнинг, хусусан, улар бераётган дашномлари асосий омилдир. Бу масалага эътиборли бўлиш, бировни муҳокама қилишдан аввал ўзининг ҳам фарзандлари борлигини унутмаслиги лозим.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким мусулмон биродарининг айбини яширса, Аллоҳ унинг айбини қиёмат куни яширади. Ким мусулмон биродарининг айбини ошкор қилса, Аллоҳ унинг айбини ошкор қилади, то уни ўз уйида ҳам шарманда қилади”,** дейди (Имом Ибн Можа ривояти).

Биз бир-биримизнинг айбимизни беркитиш у ёқда турсин, камчилигимизни айтиб изза қиламиз. Бунинг сўроғи оғир, жазоси шиддатли бўлишини унутмайлик.

Иримчиларнинг дилозорлиги

Масжид имом-хатиблари, отинойиларимиз ирим-сиримларнинг бу дунёмизга фойдаси йўқлигини, у дунёмизга зиён келтиришини қанчалик кўп айтмасин, ҳали-ҳануз одамлар орасида иримлар кўп учраб турибди.

Бир дўстимнинг ҳикоя қилишича, имом-домла келин-куёвга никоҳ ўқишга борса, келиннинг янгаси куёвнинг чопонига нимадир тикиб ўтирганмиш. Имом ундан нима қилаётганини сўраса, “Ёмон назарлардан, иссиқ-совуқ қилинишдан асраш учун шундай қилинади”, деб жавоб берибди. Имом бу ишнинг хатолигини тушунтирибди.

Қилинаётган иримлар ичида энг ёмони инсонларнинг дили озор топиб қолганидир. Масалан, келиннинг олдида бола кўрмаган аёлнинг ўтирмаслиги, бева аёлларни маросимлардан четлатиш каби ҳолатлар уларнинг бу ҳолатини айбли қилиб қўймоқда. Фарзанд неъмат Аллоҳ таолонинг марҳамати экани, Унинг ҳар бир синовиди ҳикмат борлиги ёки бемаъни одатлар билан бировнинг ярим кўнглини синдириш гуноҳлигини унутмаслигимиз лозим.

Биргина ширин сўз билан инсоннинг ярим кўнглини кўтариш ҳар бир мўминнинг бурчидир. Жалолиддин Румий: «Каъба – Озарнинг ўғли Иброҳим Халилуллоҳ қурган иморат. Кўнгил эса азиз ва жалил бўлган Аллоҳ таолонинг назаргоҳи (боқадиган ери)дир...» деган. Шундай экан, кўнгилларни шод этишга ва амалларимиз гўзал бўлишига ҳаракат қилайлик, бўлмағур ирим-сиримлардан сақланайлик. Биз ахир XXI юз йилликда яшайпмиз!

Тошпўлат АШУРОВ,
Бухоро вилояти Когон шаҳри

Икки дўст соҳил бўйида суҳбат қуриб ўтирса, нарироқда бир онани кўриб қолишибди. Ерда жим, қимирламасдан ўтирганмиш. Йигитлар бироз хавотир олиб, яқинлашса, онанинг кўзидан ёш оқиб турган экан. Сабабини сўрашса, она ўғли қолдириб кетганини, кейинроқ келаман, деганини айтибди. Йигитлар егуликлардан беришибди.

Кеч кириб, икки дўст қайтиб келаётса,

Ноқобил фарзанд

онаизор ҳалиям маҳзун ҳолда ўтирганмиш. Улар: “Эй она, ўғлингиз нега келмади?” деб сўрашибди. Она ўғли телефон рақамини қолдирганини айтибди ва бир парча қоғозни узатибди. Йигитлар очиб қарашса, ҳеч қандай ёзув йўқ экан. Шунда улар нима қилишни билмай қолишибди. Она боласига ишонган экан-да.

Йигитлар сизни олиб кетамиз, дейишса, онаизор: “Мен ўғлимни кутаман, у албатта келади”, дебди. Икки дўст ноилож кетибди. Ярим кечаси улардан бирининг уйқуси қочиб, онанинг ҳолидан хабар олгани ўша жойга келибди. Не кўз билан кўрсинки, онаизор йиғлаб дуо қилаётган экан: “Эй Худо, боламга нима корҳол бўлди, йиқилдими, касал бўлдими? Аллоҳим, боламга раҳминг келсин, уни қаерда бўлса ҳам, тинч қилгин, соғ-саломат юрсин...”

Онанинг меҳри буюк! Ноқобил фарзанд эса ўзидан бу муҳаббатини узоқлаштириб, икки дунё бахтсизлигини “сотиб олди”. Фикр қилайлик, азизлар!

Нуриддин ҲОШИМОВ,
Янгийўл тумани
“Усмон Зиннурайн” жоме масжиди
имом-хатиби



Аёл саботи

Мисрнинг Кафруш шайх вилоятининг бир қишлоғида яшовчи Мабрука Хафожий деган қиз Иброҳим Ато исмли оддий деҳқон йигитга турмушга чиқди. Уларнинг ҳоли ниҳоятда танг эди. Ейишга нон топа олмасди. Иброҳим ҳатто хотинининг нафақасини топиб беришига ҳам кўзи етмай, уни талоқ қилди. Мабруканинг раҳмида боласи бор эди.

Ажралганидан сўнг Мабрука отаси ва акаси билан Искандарияга кўчиб кетди. Ўша ерда боласи туғилди. Унга Али Иброҳим деб от қўйишди. Мабрука боласини тарбияли, илмли қилишга жидду жаҳд этди.

Аёлнинг аҳволи йиғлайдиган даражада оғир эди. Ўша вазиятидан келиб чиқилса, у ўз ҳолидан шикоят қилиб,



кўчаларда тиланиб юриши, ўғлини кўчаларда арзимас нарсалар сотишга мажбурлаши керак эди. Аммо у бундай қилмади. Аллоҳга таваккул қилиб, Ундан ёрдам сўраб, Искандария кўчаларида айланиб пишлоқ сота бошлади. Ўғли Али Иброҳимни “Раъсут тийн ал-Амирия” мактабига ўқишга қўйди.

Ўғли бошланғич мактабни тугатиб, шаҳодатнома ни қўлига олган кезде отаси Иброҳим Искандарияга келди. Мақсади шаҳодатнома олган ўғлини бирор ишга жойлаш эди.

Аммо Мабруканинг мақсади бундан анча баланд эди. Шунинг учун ўғлини олиб, қўшнисининг томидан ошиб, Қоҳирага қочиб кетди. Ўғлини “Дарбул жамамиз”даги Хидивия мактабига ўқишга олиб борди.

Атрофидаги инсонлар унинг ҳолининг ночорлигини айтишганида деди: “Ким Аллоҳдан ёрдам сўраса ва Унга таваккул қилса, мўъжизалар содир бўлади ҳамда истаклари рўёбга чиқади!”

Мабрука бир бой оиланинг уйида хизматкор бўлиб ишлади. Ўғлини ўқитди. Али мактабда яхши ўқиди. Ҳамма ўқувчилардан ўзиб кетди. 1897 йилда тиббиёт мактабига ўқишга кирди. 1901 йилда уни тамомлади.

Бундан 15 йиллар ўтиб, султон Ҳусайн Комил саратонга чалинди. Унга шифокор қидиришди. Биолог олим доктор Усмон Ғолиб султонга Али Иброҳимни тавсия қилди. Султон уни чақиртирди. Аллоҳнинг фазли билан султон шифо топди. Али Иброҳим унинг устида хатарли, аммо муваффақиятли амалиёт ўтказган эди.

Султон уни сарой маслаҳат кенгаши жарроҳи ва ўзининг хос шифокори этиб тайинлади. 1922 йилда эса унга Беклик даражасини берди. Бекларнинг маоши 1200 жунайҳдан кам эмас эди.

1929 йилда «Фуод I» университетининг тиббиёт факультетига декан этиб тайинланди. Али Иброҳим ушбу мансабга эга бўлган илк мисрлик эди.

1940 йилда соғлиқни сақлаш вазири бўлди. Шу йили Али Пошо Иброҳим шифокорлар кенгашига асос солиб, унинг илк раиси бўлди.

Эри талоқ қилган оддийгина деҳқон аёл эркаклар уддалай олмайдиган ишни Аллоҳнинг ёрдами билан амалга оширди!

Мабруканинг ҳаёт билан курашида Аллоҳ доимо унинг ёрдамида бўлди. Ўзи айтганидек, Аллоҳнинг мадади билан чинакам мўъжиза содир бўлди! У Аллоҳнинг инъоми эди.

Абдулқодир ПОЛВОНОВ,
“Ургут” жоме масжиди ходими



Шайх Али ТАНТОВИЙ

Эй қизим!



(Давоми.

Бошланиши ўтган сонларда.)

Эй қизим... Хусни гўзалдан тўйиш мумкин, аммо хулқи гўзалдан ҳеч қачон тўймайдилар. Маданият халқнинг истаги, ахлоқ эса Ҳақнинг. Сен Ҳақ истаганидек бўлсанг, қалбларнинг эгаси бўлган Зот ҳар қачон сени суюкли қилиб қўяверади. Хуснинг кўзларни чарчатиши мумкин, аммо гўзал хулқнинг ҳар вақт инсонни ўзига мафтун этаверади. Гўзал хулқ қанча улашсанг ҳам, камаймайдиган бойликдир...

Ҳикматлардан бирида: “Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ўзини қийнабди!” дейилган.

Гўзал хулқ бу – атрофингдигиларга Раббинг буюрганидек муносабатда бўлишдир.

Ҳақим Раббимиз марҳамат қилади: **“Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингизда атрофингиздан тарқаб кетар эдилар. Бас, уларни афв этинг”** (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Шундай экан, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга буюрилган хулқ сенга ҳам буюрилгандир.

Эй қизим! Мен ёшим эликка борган бир кишиман. Йигитлик ҳалимлик ва кўркувни ваъда қилгани ҳолда узоқларда қолди. Мен кўп одамларга йўлиқдим, дунёдан хабардор бўлдим. Ёшимнинг катталиги ва тажрибамга кўра, мендан аниқ соғлом сўзни тингланг, уни бошқалардан эшитмагансиз.

Дарҳақиқат, биз китоблар ёздик ва ахлоқларни қоим қилишга, фасод ва шаҳватнинг ёмонлигини кетказишга чақирдик, ҳатто қаламлар мендан бешиб кетди, тиллар толиқди. Ҳеч нарсани уддалай олмадик, мункар ишларни йўқ қилолмадик. Аксинча, ёмон ишлар зиёда бўлди, фасод кенг ёйилди. Очиқ-сочиқлик, яримянланғочлик ҳаддан ошиб, кўланкасини кенгайтирди, шаҳардан шаҳарга кўчиб ўтди. Биз ҳам ундан нажот топмадик, яқин орада нажот топишимиз даргумондир. Биласизми, нима учун? Чунки биз шу кунгача ислоҳ эшигини тополмадик, ислоҳнинг йўлини билмадик. Ўша ислоҳ эшиги сизнинг рўпангизда, эшикнинг калити эса, сизнинг қўлингизда экан. Агар у эшикнинг борлигига

амин бўлиб, ундан киришни уддаласангиз, ҳолат ислоҳ бўлади. (Яъни, қизлар яхши тарбия олса, ёмонликлар ислоҳ бўлади... – тарж.) Албатта, гуноҳ йўлига биринчи қадамни босувчи эркакдир, ҳеч қачон аёл аввал қадам босмайди. Лекин аёл рози бўлмаса, эркак қадам босмайди, аёл юмшоқ муомала қилмаса, эркак ҳаракат қилмайди. Аёл унга эшикни очсагина, кириши мумкин. Ўғрига эшикни очиб: “Марҳамат!” дейди, кейин “Мени зўрлади”, деб айюҳаннос солади.

Билсангиз, барча эркаклар бўридир, сиз қўй каби-сиз. Қўй бўридан қочганидек, улардан қочинг. Ҳаммаси ўғридир. Бўри қўйдан фақат гўштини хоҳлайди. Эркак кишининг сиздан хоҳлайдиган нарсаси қўйнинг гўшtidан азизроқ, ёмонлиги эса, ўлимдан қаттиқроқдир. Унинг сиздан хоҳлайдиган нарсаси сиз учун шараф ва фахр бўлган иффатингиздир. Эркак киши тарафидан иффат сабабли мусибат етказилган қизнинг ҳаёти бўри тарафидан гўшти сабабли мусибат етказилган қўйнинг ўлиmidан юз марта қаттиқроқдир...

(Давоми бор.)

Таржимонлар:

**Иймон Али КИТОБ АЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ**



Балоғат, ҳомила ва ҳайз одати

(Давоми.

Бошланиши ўтган сонда.)

Тўққиз ёки тўққиз ёшдан катта қиз қон кўрса, ҳайзи келган бўлади.

Қиз боланинг энг эрта балоғатга етиш даври тўққиз ёшдир. Лекин бу ёш маконлараро турличадир. Шу сабаб уламолар аёллар ҳолатидан келиб чиқиб балоғат ёшини белгилашган. Тўққиз ёшдан олдин кўрилган қон ҳайз ҳисобланмайди.

Соч, тирноғи билинмаган ҳомила тушганда келган қон ҳайз-дир. Йўқса, нифосдир.

Соч, тирноғи чиқмаган ҳомила тушса, аёл нифос бўлмайди. Агар қон уч ёки ундан кўп кун келса, сўнг аёл тўлиқ поклик кўрса, у ҳоизадир, акс ҳолда истиҳозадир.

Тўрт ойга тўлмаган ҳомилини аборти туғуруқ каби эмаслигини табиблар ҳам тасдиқлайди. Бу ҳолда тушган ҳомила кўпинча қонга бурканган бўлади.

Тўрт ойдан ўтган ҳомилини олиб ташлаш туғруқ кабидир. Боиси, биринчи бўлиб ҳомиланинг қоғоноғи (пардаси) ёрилади. Олдин ҳомила, кейин йўлдош тушади.

Фуқаҳолар эмбрион тўрт ой ўтиб ҳомилага айланади, дейдилар. Агар ҳомила тўрт ойга етмай тушса, кейин қон уч ёки уч кундан кўп давом этса, юқорида айтганимиздек, аёл ҳайзли саналади. Ак-

синча, эмбрион тўрт ой ўтиб, ҳомилага айлангандан кейин тушса, ундан нифос қони келади.

Масалан, аёлнинг уч ҳафталик ҳомиласи тушса, кейин ундан қон келиб, уч кун ёки ундан кўп давом этса ҳайз, ундай бўлмаса истиҳозадир.

Аёл 65 кунлик ҳомиласини жарроҳлик йўли билан ол-дирса-ю, амалиётдан кейин қон кўрмаса, ҳайз ҳам, нифос ҳам бўлмайди, намоз ўқийди, рўза тутаяди.

Аёлнинг тўрт ҳафталик ҳомиласи тушгандан кейин унинг бачадонини тозалаб ташлашса, кейин қон уч кун ёки ундан кўпроқ вақт келса у ҳайз, акс ҳолда итиҳозадир.

Аёл қон йўлига мато қўйиб, кўтарганидан сўнг оқ сизот кўрса, у пок саналади.

Аёл ҳайз ёки нифос тунида қон йўлига таглик қўйса ва эрталаб тагликни кўтарганида оқ сизот кўрса, таглик қўйган вақтидан бошлаб у пок саналади. Шу сабаб хуфтон намозининг қазосини ўқийди.

Агар аёл поклик кунда қон йўлига таглик қўйса, кейин унинг бир четида қон кўрса, матони кўтарган вақтидан бошлаб ҳайз саналади.

Одати бор аёлда қон келиши давом этса, поклик кунлари ҳам, ҳайз кунлари ҳам барча ҳукмларда одати бўйича қолади.

Аёлда ҳайз ва поклик кунларида маълум одат бўлса, лекин одатидан ташқари давомли қон келса, у одатига эргашади. Ҳайз кунларида ҳайз, поклик кунларида поклик ҳукмларини олади.

Масалан, аёлнинг ҳайз одати етти кун, йигирма кун поклик давридан сўнг қон давомли келса, унинг ҳайзи етти кун, поклиги йигирма кун деб эътибор қилинади.

Агар ҳайз одати тўққиз, поклиги йигирма кун бўлса, сўнгра қон икки йил давомли келса, унинг ҳайзи тўққиз кун, поклиги йигирма кун деб эътибор қилинади. Агар аёл тўрт йилдан олдин бола туғса, сўнгра қони бугунги кунгача давом этса, унинг ҳайз кунлари ҳам, поклик кунлари ҳам олдинги одати кунлари миқдорида бўлади.

Агар давомли қон келса, биринчи бор кўрган ҳайзи ўн кун, поклиги йигирма кун бўлса, доимо шу одатда қолади.

Агар қиз бола қон кўриш ва қони давомли келиши билан балоғатга етса, унинг одати ўн кун ҳайз ва йигирма кун поклик деб белгиланади.

(Давоми бор.)

“Ҳайз ва нифос илми зубдаси” китобидан
Юлдуз АСҚАР
қизи таржимаси



Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Кимда-ким биродарининг обрўсини тўкиб ёки бошқа бирор нарса билан унга зулм қилса, динор ва дирҳам фойда бермайдиган кундан олдин бугун ҳақини ҳалоллаб олсин.** (Агар шундай қилмаса, қиёмат кунда) **солиҳ амали**

ҳолда, қиёматда биродари учун ундан қасос олинади. Олдинига яхшиликларидан ундирилади. Яхшиликлари қолмаса, биродарининг гуноҳлари унга берилади. Гуноҳлар посонгиси оғирлашганидан кейин у дўзахга ташланади.

“Динор ва дирҳам фойда бермайдиган кундан олдин бугун ҳақини ҳалоллаб олсин”. Киши зиммасидаги қарз

зини фақат ўтаб бериш билан адо этади. Ўташга қодир мўминга қарз

зига вафо қилгани яхши. Бу ҳолатда у кечирим сўрашга ҳақли бўлмайди.

Қарзини ҳеч қандай йўл билан ўташга қодир бўлмаган мўмин биродаридан ҳақидан воз кечишини сўрайди.

Бу ҳолатлар молиявий ҳуқуқлар борасида. Бошқа ҳақларда эса киши кечирим сўрайди. Яъни, биродарига ҳақини қаерда, қандай поймол қилганини тўлиқ баён қилмагунча ва ҳақдор унинг узрини қабул қилганини айтмагунча чин дилдан сўраган бўлмайди. Бу ҳолат мўмин айбини очиқлаб айтишида аниқ зарар бўлмаса, мумкин. Акс ҳолда, фақат афв этишини сўраш билан чекланади.

“Биродарининг”. Набий алайҳиссаломнинг ушбу сўз-

лари хусуматлашувчиларни келишувга ундайди. Зулм қилган кечирим сўраш билан ташаббус қилади, мазлумга уни кечириш вожиб бўлади. Сабаби барча мўминлар ўзаро бир-бирини ҳурматловчи биродарлардир. Уларни ягона ақида жамлайди. Шунингдек, қалбларини қариндошлик риштасидан-да кучлироқ иймон бирлаштиради.

Баъзи одамлар ушбу ҳадис Аллоҳ таолонинг **“Ҳар бир жон ёмон касб қилса, фақат ўзига зиён қилур. Ҳеч бир жон бошқанинг оғирлигини кўтармас”** (Анъом сураси, 164) оятига зиддир, дейдилар. Бу ноўрин талқин. Чунки ўзганинг гуноҳини кўтариш деб ўйлаш нотўғри. Балки киши бировнинг ҳақи борасида ўзининг гуноҳи туфайли жавобгар бўлади. Ҳақиқатан у бошқанинг эмас, балки айнан ўзининг маъсиятидир.

Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом
институтини ўқитувчиси
Элёрбек АНВАРОВ
тайёрлади.



Охиратга қолмасин...

бўлса, қилган зулми қадар ундан олиб қўйилади. Агар яхши амали бўлмаса, дўстнинг гуноҳларидан олиниб, унга берилади” (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам чин насихатгўйлар. У зот алайҳиссалом умматларига дунё ва охиратда заррача ёмонлик етмаслиги учун яхшилик истаб, нафақат насихат қилдилар, балки буюрадилар.

Ушбу ҳадисда Набий алайҳиссалом мўминларга Парвардигор бандаларининг ҳақ-ҳуқуқлари борасида шафқат қилмаслигини хабар бермоқдалар.

Ким биродарига зулм қилган бўлса, ундан кечирим сўраши, тириклигида дўстнинг зиммасидаги ҳақини соқит қилиши лозим. Акс

Расулуллоҳ

солаллоҳу алайҳи ва саллам

барпо этган қўриқхона



Д и н и м и з барчамизни атроф-муҳитни озода сақлашга, ўзимизни эса покиза юришга буюради.

Асрлар бўйлаб мусулмонлар ариқ, дарё ва денгиз сувларини покиза сақлашни ўзларининг бурчлари деб билишган.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«У сизлар учун Ерни “пойандоз”, осмонни “бинно” қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, у сабабли сизларга ризқ сифатида мевалар (мева-ли дарахтлар)ни ундирди. Бас, билиб туриб, Аллоҳга (ибодатда) бошқаларни (сохта маъбудаларни) тенглаштирмангиз!»** (Бақара сураси, 22-оят.)

Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам 1400 йил бурун табиатни муҳофаза қилишни бизга ўргатиб кетганлар. У зот ҳайвонларга азият етказишни ман этганлар. Гиёҳ, дарахт ва ҳайвонларни асраш учун “Ал-Буж” деган жойда қўриқхона ташкил қилганлар. Демак, табиатга оид ҳар бир нарсани

асрар эканмиз, улар келажак авлод ва инсониятга биздан мерос бўлиб қолади. Авлодларимиз ўтганлардан рози бўлиб, уларнинг ҳақларига хайрли дуо қилиб юрадилар.

Раббимиз барча нарсаларни бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда ўзига хос ўлчови ва ҳисоби билан яратган. Бу ҳақда Қуръони каримда далиллар кўп. Жумладан: **“Биз ҳамма нарсани ўз ўлчови билан яратдик”** (Қамар сураси, 49-оят); **“...ҳар бир нарса Унинг**



наздида ўз ўлчови ва маълум миқдори билан бўлур” (Раъд сураси, 8-оят);

“Аллоҳ таоло осмондан ёмғир сувларини туширади ва водийларда сувлар ўз ўлчови ва ҳисоби билан оқади...” (Раъд сураси, 8-оят);

“Биз осмондан ҳисоби билан ёмғир сувларини ёғдириб, Ерга ўрнаштирдик. Биз бу сувларни кетказиб сизларни ундан маҳрум қилиб қўйишга ҳам қодирмиз” (Мўминун сураси, 18-оят).

Ушбу ояти карималарда Ер юзидаги барча нарсалар, шу жумладан, сув ҳам ўзининг маълум ҳисоби ва ўлчови билан яратилгани хабари берилади. Табиатнинг мувозанати ана шу илоҳий ўлчов билангина сақланиб қолиши мумкин.

Охирги ояти карима тафсирида айтилишича, мабодо Аллоҳ таоло ер юзидаги сувларни Ўзининг ҳисоби бўйича бошқариб, керакли жойларга оқизиш ва ҳожатга яраша тақсимлаб турмаганида эди, Ер юзи сув билан қўшилиб кетиши ва ҳалокат юз бериши мумкин эди. Яъни, керагидан ортиқ ёмғир ёғдирса, ҳаммаёқни сув босиб кетади, агар бутунлай ёғдирмай қўйса, қурғоқчилик бўлиб, ер юзида ҳеч бир гиёҳ ўсмайди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу



қисмида сув тошқинлари, сел олаётгани ёки сувсизлик ҳодисаларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Демак, ажойиб, гўзал ва шу билан бирга нозик қилиб яратиб қўйилган табиатнинг ўз аслича давом этиши аввало Яратувчининг Ўзига боғлиқ бўлса, уни суиистеъмол қилмасдан, мувозанатига ҳалал етказмасдан, оқилона фойдаланиш бизнинг вазифамиз экан.

Сир эмас, дунёда, хусусан, Марказий Осиёда сўнгги йилларда теварак-атроф, ер, сув, ҳаво бирмунча ифлосланиб, инсон саломатлигига зарар етказмоқда. Бунинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиб, соғлом авлод учун курашиш эса мўмин-мусулмонларнинг бурчи бўлмоғи лозим.

Ичимлик сувидан фойдаланганимизда ҳали ҳам исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Баъзи хонадонларда, кўча-кўйда, бозорларда аҳоли фойдаланиши учун ўрнатилган сув жўмракларининг аксариятидан қишин-ёзин сув оқиб ётади. Унинг сабаби “Менга нима?! Кимга керак бўлса, тузатиб олсин-да!” қабилидаги бепарволикдир.

Бундай ҳолатларга мусулмон киши бепарқ бўлмаслиги керак. Тегишли жойларга мурожаат қилиб ёрдам сўраши, биродарларини тартибга чақириши, тозаликни фарзандларига ўргатиши тўғри бўлади.

Нигора ИМОМОВА,

Тошкент вилояти бош отинойиси

Нигора Имомова 1978 йили Тошкент вилояти Оҳангарон туманида туғилган.

1998 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тугатган.

2010 йилдан бери Тошкент вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси.



Айрилиқ

Севинч ёши Оминада тез қотди,
Вафодор ёрига соғинчи ортди.
Қоронғу тунлари қайғуга ботди,
Қора кўзлар уйқу билмай тонг отди.

Давосиз ҳижронга олти йил тўлди,
Касал Омина йўл танобин тортди.
Вафодор ёр қабрини зиёрат этди,
Оминага шу ерда ўлими етди.

Олти ёшда айрилдилар онадан,
Меҳрибону суянчиқ – ягонадан.
Бобоси Абдулмутталиб дер: “Аҳмад,
Эркатойим, кўзичоғим, Муҳаммад”.

Саксон икки ёшида вафот этди,
Ўлими олдидан васият этди:
“Ўғилларим, қайсингизга қолдирай?”
Ҳазрат деди: “Рухсат берсангиз, танлай”.


Абу Толиб кучоғига отилиб,
Амакиси бағрида топди ҳимоят.
Ўн икки ёшга ҳам кириб, ниҳоят,
Абу Толиб билан Шомга юрдилар.

Шомга етмай, бор эди қишлоқ – Бусро,
Ибодатхонада роҳиб Бухайро.
Ўқиб Забур, Таврот, Инжил китобин,
Билар эди пайғамбар аломатин.

Роҳиб кўриб ҳазрат Муҳаммадни,
Изҳор этди огоҳлик – муҳаббатни.
“Абу Толиб, асра уни ҳаммадан...
Шомда яҳудийлар гар пайқаб қолур,
Бани Ҳошим ичра бир ғавғо солур...”

Молларини ўша ерда сотдилар,
Карвон билан тезда ортга қайтдилар.

Нормирза ҳожи РАҲМАТОВ



– Зиёратингиз қабул бўлсин, опажон. Яхши бориб келдингизми? – дея дабдабали дастурхон тўрида савлат тўкиб ўтирган аёлдан ҳол сўрадим.

– Раҳмат, ўзингиз тузукмисиз? Сизга совғалар олиб келдим. Энди мени ҳожи она деб чақираверинг, қизим, – деб ҳазиллашиб қўйгандек бўлди. Сўнг опахон гапини давом эттирди:

– Ўзи биз кундузи келишимиз керак эди. Ҳаво айниб, қолиб кетдик. Кўрмадингиз-да, ўғлим йўлимизга чўғдек гилам тўшади, атиргуллар сочилган. Барака топгур, келишимизга роса тайёргарлик кўрибди-да. Умри зиёда бўлсин боламнинг, отаси иккимизга йўлланма олиб келганида бир хурсанд бўлдик, шундай кутиб олганида яна бир қувондик. Топганига Аллоҳ таоло барака берсин...

“Ота-онамиз умрадан келди, дуосини олинг”, деб қўш-

Умра

ибодат сафари, саёҳат эмас

ним мени ҳам таклиф қилганди. Ўшанда умра зиёратини адо этиш бахтига сазовор бўлган бу инсонларга ҳавасим келганди. Мен улардан Каъбатуллоҳ, Мино ва Арафот водийлари ҳақида таассуротларини эшитиб, Замзам сувидан ичмоқчи эдим. Аммо гўзал суҳбатлар ўрнини “тўй” эгаллади. Ўзи шундоқ ҳам одатий тўйларимизда исрофгарчилик ҳақида гапирамиз. Ортиқча ҳашамат, орзу-ҳаваслар ортидан қувиб, кимўзарга қилиш тўй-

ларда оз эмас. Бироқ ҳаж ва умра қилиб Аллоҳнинг буюрган амалларини бажариш шарафига муяссар бўлган инсонларнинг бу каби исрофгарчиликларни, кибрни кўрсатиши қандай қилиб ибодат қилиб келаётган кишига хос бўлиши мумкин? Дини-

миз таълимотида ҳалимлик, оддийлик, хокисорлик ёқланиб, кибр ва исрофгарчилик шайтондан экани таъкидланмаганми?!

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун тўкис адо этинг”** (Бақара сураси, 196-оят), дейди. Умра ёки ҳажга бориш, келиш вақтидаги дабдабалар майли-ку, зиёрат давомида турли хатоларга йўл қўйганлар ҳам учраб турибди. Масалан, бошқа диёрлардан келган зиёратчилар қўлида



Қуръон, тилида дуо бўлиб турган чоғда айрим юртдошларимиз телефонда тасвирга олиб, ҳар тарафга жўнатиш билан овора. Ижтимоий тармоқлардаги шундай тасвирларни кўриб, суратга тушгунча ибодатингизни қилсангиз-чи, дегиси келади одамнинг.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг “Мўминнинг умр сафари”да (“Муфассал ҳаж китоби”) “Ҳаж сафарига отланган киши яна нималарга эътибор бериши керак? Аввало, аҳли аёли ва яқин кишиларини тақвога буюрсин. Яъни, Аллоҳнинг амрларига бўйсуниб, қайтарганларидан қайтишга чорласин. Қилаётган ҳаж ёки умра ибодатидан Аллоҳнинг розилигини ва охиратининг ободлигини кўзласин. Дунё ва унинг зийнатларини, риёкорлик, ном чиқариш, фахрланиш каби нарсаларни зинҳор ҳаёлига келтирмасин. Акс ҳолда, барча қилган саъй-ҳаракатлари беҳуда кетади”, деб ёзилган. Муқаддас маконларда кечадиган ғанимат вақтини шунга ўхшаш майда нарсалар – дўкон кезиш, бозор оралаш кабиларга сарфлаш асло оқил одамнинг иши эмас.

Умра ибодати ҳукмлари, одоблари баён этилган кўплаб қўлланмалар, китоблар бор. Шунингдек, аҳли илмлар ҳам тавсиялар беришади. Шундай бўлса-да, турли “янгилик”лар ўйлаб топаёт-

ган аёллар учраб турибди...

Баъзилар зиёрат ва ибодатга мутлақо алоқаси бўлмаган айрим амалларни қилишмоқда: камбағалларга бериш учун майиз ва кабутарларга сочиш учун буғдой ғамлаб борадиган бўлишибди. Бу нарсалар урфга айланиб қолса, ножўя оқибатларга сабаб бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ҳожилар ва умра зиёратчилари Аллоҳнинг меҳмонларидир, дуо қилсалар, ижобат этур, истиффор айтсалар, мағфират қилур”**, деганлар (Ибн Можа ривояти). Шу ҳадис сабабидан инсонлар “Умрада мени дуо қилинг”, дея турли эҳтиёжларини айтишади. Бироқ бунда ҳаддан ошмаслик муҳим. Ўзлари билан қоғозларни олиб юриш, уяли алоқа воситаларидан эҳтиёжидан ортиқ фойдаланиш ўзининг ва атрофдагиларнинг ибодатига ҳалақит қилади.

Зиёратчилар ниҳоятда кўп, амаллари ҳам ўзига яраша масъулиятли. Шунингдек, ўзга юртнинг иқлимига мослашиш жараёни ҳам осон эмас. Мақсад умра амалини адо этиб, Аллоҳ ризолигига эришиш, гуноҳлари кечирилишидан умид қилишдир. Ойша розияллоху анҳо умра ибодатини адо этганида Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унга қарата: **“Сенга**



(умра давомидаги) **қийинчилигинг ва нафақанг миқдорича ажр бўлур**”, деганлар.

Хулоса қилиб айтсак, умра сафарига чиққан ҳар бир мўмин-мусулмон Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаб қодир бўлганча тоат-ибодатга берилиши, гуноҳлари мағфиратини сўраб дуо-илтижолар қилиши, вақтини беҳуда нарсаларга совурмаслиги лозим. Зеро, умрадан мақсад ҳам айни шудир.

Бахтиёржон ҚОДИРОВ



Бахтиёржон Қодиров 1982 йили Жиззах вилояти Дўстлик туманида туғилган. 2003 йили “Саййид Муҳйиддин Махдум” мадрасасини, 2021 йил Тошкент ислом институтини битирган. Домла шу йиллар давомида Шаҳрихон туманининг бир қанча масжидларида имом-хатиб бўлиб ишлади. 2022 йилдан буён “Муҳаммад Розикбой” жоме масжиди ҳамда Шаҳрихон тумани бош имом-хатибидир.

Ҳаёт учун ўта хатарли одатлар



Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: **“Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!”** (Моида сураси, 90–91-оятлар). Мастлик оқибатида жиноятлар, эркакларнинг аёлини “талоқ” қилиши кўпаймоқда. Қардошлик ришталари узилиб, меҳр-оқибат ўрнини нафрат эгаллаб бормоқда. Боз устига, сархуш аёлларни учратишга ҳам кўзимиз ўрганиб қолди. Ширакайф аёлларнинг тўйларда ўта беҳаёлик билан “ракс”га тушиши, вояга етмаган қиз-

ларнинг пана-пастқам жойларда сигарет чекиши каби ҳолатларга оддий ҳолдек қарашни бошлаганимиздан, уларни бу ишдан қайтармаганимиздан буён уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Бир марта ҳаё пардасини енгиб ўтган кимса у қилмишини қайта ва қайта қилади-да.

Бу ҳақда кўп ва хўп ёзилди, оғир гуноҳ экани айтилди. Лекин ўзгариш йўқ. Илло, жамиятда фарзанд тарбиясидаги асосий бўғини бўлган аёлнинг кашанда ҳамда майпараст бўлиши ниҳоятда ташвишли ҳолат. Шунинг учун бу ҳолатларнинг аёл саломатлигига, аслига ва наслига зарарли жиҳати ҳақида бонг уришга қарор қилдик. Сабаби, арзимас баҳоналар билан зарарли одатларнинг тузоғига тушган аёл-қизлар уларга боғланиб қолмоқда.

Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар бўлими шифокори, наркологи Сайёра Интизорова алкого-

лизм ва чекишнинг аёл саломатлиги, руҳияти ҳамда болалар соғлигига таъсири ҳақида қуйидагиларни берди.

Маст ёки чекаётган аёлга кўзингиз тушса, уни ёмон кўрасиз. Ундайлар жамиятда ўз обрўсини йўқотади. Фаолиятим давомида жуда кўп шундай аёллар билан ишлайман. Уларнинг саломатлиги, оилавий шароити, руҳияти оғир аҳволда. Афсуски, биз қанчалар ҳаракат қилмайлик, уларнинг соғлом ҳаётини шакллантиролмаймиз. Бунга ружу қўйишдан аввал ёки бошланғич ҳолатда даволаш осонроқ бўлади. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ижтимоий тақик, жамият томонидан қораланиш алкохолга тобелikka чалинган кўплаб аёлларнинг шифокор кўригига ўз вақтида боришига тўсқинлик қилади. Шунингдек, кўплаб хорижий тадқиқотчилар аёллардаги зарарли иллатларнинг сабаби аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ўзгариши



билан боғлиқ, деган фикрда. Аёллар иқтисодий мустақилликка эришмоқда, уларнинг ҳаётий қадриятлари ўзгарди. Аёлларга ҳам эркаклар каби салбий омиллар, авваламбор, доимий жисмоний ва руҳий стресслар таъсир қилади. Уларни енгиш учун спиртли ичимликлар истеъ-мол қилади. Ичкиликбоз ёки кашанда аёллар сони, айниқса, алкоголь ёки тамаки сотадиган савдо ишчилари, иш излаб қишлоқдан шаҳарга кўчиб кетган аёллар орасида юқори.

Алкоголизмга чалиниш хавфи аёлларда 30–35 ёшдан кейин кўпаяди. Чунки бу ёшга кирган аёлларда руҳий тушкунликка мойиллик ортади. Алкоголизм клиникаси учун ҳайз цикли ҳам муайян аҳамиятга эга, чунки у спиртли ичимликларни истеъмол қилишга мойилликни келтириб чиқарадиган ҳайздан олдинги безовталики ўз ичига олади. Спиртли ичимликлар тинчлантиради, бу безовталикини енгиллаштиради, яъни даволовчи омил сифатида ишлайди ва натижада алкогольга кўникиш, ружу қўйиш ривожланади.

Энг ёмони, аёлларда энг кучли инстинкт – оналик, фарзанд тарбияси ва келажак авлодга ғамхўрлик қилиш туйғуси буткул йўқолади. Айниқса, аёллар турли хил жинсий бузилишларни (фригидлик, жинсий қониқмаслик) бошдан кечири-

шади. Шунинг учун ажримлар, ахлоқсизликлар ривожланади. Аёлларнинг 70 фоизга яқини гинекологик касалликлардан азият чекади (соғлом одамларда -15–35%). Бола туғиш қобиляти пасаяди, менопауза эрта бошланади, эрта қариш кузатилади.

Биласизми, ҳатто озиш учун чекишни тавсия қилишар экан. Лекин унинг фақат зарари борлиги ва ўрганиб қолиши мумкинлигини унутмаслик керак. Агар ҳомиладор аёл бунга ружу қўйса, ҳомилада турли нуқсонлар пайдо бўлади. Бола неврологик ва туғма юрак нуқсони билан туғилиши мумкин. Соғлом туғилган тақдирда ҳам вақт ўтиб унда иммунитет пастлиги, асабийлик ва кейинчалик ичкиликка, тамакига мойиллик кузатилади. Натижада бундай оилаларда насл бузилади.

Транспортга ўтирганимизда ёки меҳмондорчиликда сигарет чекилса, тутуни атрофга тарқалади. Ана ўша тутундан нафас олганлар пассив чекувчилар дейилади. Чекувчи бўлиш учун бу маҳсулотни сотиб олиш шарт эмас, унинг тутуни ҳам етарли. Бир дона сигарет инсон умрини 6 дақиқага қисқартиради. Тамакининг тутун ҳолатида зарари икки баробар кўпаяди. Тамаки юрак-қон томирларига етарли қон айлантириб бермай-



ди. Касалликларнинг тобора ёшариб бораётгани, авваллари болаларда учрамайдиган турларнинг кўпайиши ана шундай иллатларга аёллар ҳам ружу қўяётганидандир.

“Асабим тинчланади, муаммолардан қутуламан ва ёдимдан чиқади” деган баҳона билан ичиб олишади. Бекор гап. Аслида муаммолар икки баробар кўпаяди.

Азиз аёл-қизлар, ичкилик ва тамаки билан ҳаётингизни бузманг! Унутманг, бу иллат икки дунёнгиз учун зарардир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг зарарлари ҳақида: **“Ҳар бир маст қилувчи нарс ҳаромдир. Маст қилувчи ичимликни ичган кишини “Тийнатул хобал”дан суғориш хусусида Аллоҳ ҳузурида аҳд, қатъий қарор бор”**, дедилар. “Ё Расулуллоҳ, “Тийнатул хобал” нима?” деб сўрашган эди, **“Жаҳаннам аҳлининг терлари ёки улардан ажралган суюқлик”**, дея жавоб бердилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Ойсара ДАДАЕВА,
журналист



Ғам-андухни кетказишнинг

27 йўли

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Йигирма олтинчи йўл: «Кечаси-кундузи молларини яширин ва ошкора нафақа қиладиганларнинг ажрлари Раббилари хузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар» (Бақара сураси, 274-оят).

Бақара сурасининг тафсирида ушбу оятнинг фойдалари ҳақида уламолар бундай дейдилар: «Аллоҳ таолонинг “Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар” (Бақара сураси, 62) оятига мувофиқ инфоқ-эхсон қилиш кўнгилни кўтаради, ғам-ташвишларни аритади». Демак, мўмин Аллоҳ таолонинг розилигини истаб инфоқ қилса, қалби ёришади, кўнгли кўтарилади, хотиржам тортади.

Уламолар яна бундай дейдилар: “Балоларни даф қилишда садақанинг ажойиб таъсири катта. Садақани гарчи фожир, золим ёки кофир қилса ҳам, Аллоҳ таоло унинг сабабидан балони аритади. Буни барча яхши билади. Ер аҳли бунга ишо-

нади, чунки улар тажрибада кўришган”.

Садақа қилган сари хурсандчилиги ортаверади. Агар садақа беришдан фақат шу фойда бўлганда ҳам, албатта, банда уни беришни кўпайтирар ва беришга ошиқарди. Аллоҳ таоло бундай дейди: **“Ва кимки нафсининг қизғанчиқлигидан сақланса, ундайлар нажот топувчилардир”** (Тағобун сураси, 16-оят).

Йигирма еттинчи йўл:

Ойша розияллоху анҳо бемор ва ғамга ботган кишига талбина (таомини) беришни буюрар ва: «Мен Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг: **“Талбина беморнинг юрагини тинчлантиради ва ўзи билан ғамнинг бир қисмини олиб кетади”**, деганларини эшитганман», дерди» (Имом Бухорий ривояти).

Талбинанинг фазли билан танишишдан олдин арпа сувининг фазилатини билишимиз керак. Талбина арпа уни ва кевагидан тайёрланадиган шўрвадир. У билан ар-

па сувининг фарқи шуки, у тўғри пиширилади. Талбина эса ундан янчилган ҳолда пиширилади. Арпанинг хусусияти янчиш билан чиқариб юборилгани учун у арпа сувидан кўра фойдалироқдир. Айтиладики: “Талбина хурсанд қилувчи таомларда бўладиган хусусияти сабабли хафаликни кетказади. Зеро, ўз хусусияти билан хурсанд қилувчи озуқалар ҳам бор. Яна Аллоҳ билувчироқ”.

Ибн Ҳажар Асмаъий ривоят қилади: “Талбина ун ёки кепакдан тайёрланадиган шўрвадир. Унга асал қўшилади». Бошқа бир киши: «Ёки сут қўшилади», деган. У сутга ўхшаб оқ ва майин бўлгани учун талбина деб аталган”.

“Беморнинг юрагини тинчлантиради” жумласининг маъноси борасида Ибн Ҳажар айтади: “Беморнинг юрагини тинчлантиради ва ўзи билан ғамнинг бир қисмини олиб кетади ҳамда кишини руҳлантиради”.

Аллоҳ таоло барчамизни икки дунёда саодатли бандаларидан қилсин.

(Қитоб тугади.)

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси



Онам раҳматли қишлоқда туриб, кеч тушаверганда девордаги отамнинг сурати ёнига илинган соатга қараб: “Соат етти бўляпти. Ҳозир кенжа болам ишидан уйга келяпти”, деб қўяркан. Хаёлининг бир четида доим мен турган эканман. Мен нодон эса, баъзи кунлари онам борлигини унутиб ҳам қўярдим...

“Соат етти бўляпти...”

Отамдан қолган соат суратининг ёнида,
Онам унга ўрганган, термулади дамига.
“Чиқ-чиқ”ини санайди, тушунади “кам”ига:
“Соат етти бўляпти, болам уйга келяпти!”
Опаларим келганда такрорлайди гапини,
Кўзлари хира, лекин қўймас игна-ипини.
Қайта-қайта тахлайди тахмонини, сепини:
“Соат етти бўляпти, болам уйга келяпти!”
Пул санашни билмайди, отини ёзолмайди,
Аммо бировнинг ҳаққин ўлақолса олмайди.
Ҳар куни йўлга қараб кўзи сира толмайди:
“Соат етти бўляпти, болам уйга келяпти!”
Шаҳарда яшар ўғил ташвишларга кўмилиб,
Яхши сўзлар айтади улфатлардан ўргилиб.
Онам дер жигарларга кунлик одатин қилиб:
“Соат етти бўляпти, болам уйга келяпти!”
Жойнамозда ўтирар кундузлари бемалол,
Дуолари тез қабул, луқмаси экан ҳалол.
“Бўйи бўйига етди – набирам исми Билол,
Соат етти бўляпти, болам уйга келяпти!”
Азим шаҳарга келиб, кўзларини “созлади”,
Дуч келганга оламнинг тиниқлигин сўзлади.
Қишлоққа қайтгач, зумда ҳовлидан иш излади:
“Соат етти бўляпти, болам уйга келяпти!”
Бир қарасанг, ўт чопган, бирда қўлда супурги,
Болалари койишар: “Ўтиринг-да сидирғи”...
Онам соатга боқар, қувват тоши бултурги:
“Соат етти бўляпти, болам уйга келяпти!”
Ногоҳ оғриб қолганда ётар экан бемажол,
Вақти-соати етиб, эшик қоққанда ажал.
Соатга қараб олди, бўлаётиб ҳам ўсал:
“Соат етти бўляпти, болам уйга келяпти!”

Абдулатиф АБДУЛЛОҲ

Болалар ҳимояси

Набий алайҳиссалом: «Нима учун бу болангиз йиғламоқда? Кўз теккани учун унга руқия дуоларини ўқиб дам солдингларми?» дедилар...

Имом Аҳмад ривояти.

Болаларни жин, шайтон ва иблисдан ҳимоя қилиш учун ўқиб дам солинадиган оят ва дуолар бор. Қўлни боланинг бошига қўйиб, қуйидаги шаръий руқия ўқилади:

1) Фотиҳа сураси; 2) Оятул курсий; 3) Бақара сурасининг охириги икки ояти (Аманар расулу); 4) Ихлос сураси 3 марта; 5) Фалақ сураси 3 марта; 6) Нас сураси 3 марта.

Сўнгра уч марта «Бисмиллаҳ»ни айтиб, кейин етти марта «**Аъзу биъиззатиллаҳи ва қудротихи мин шарри ма ажиду ва уҳазиру**», деб айтилади. Маъноси: “Аллоҳнинг иззати ва қудрати ила ўзимда топадиган ва ҳазар қиладиган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман”.

Сўнгра: «**Аставдиъукумуллоҳаллазий ла тазийъу вадоиъуху**», деб айтади. Маъноси: “Сизларни омонати зое бўлмайдиган Аллоҳга топширдим”.

Кейин боланинг боши ва баданига қўл сурилади...

Келин кирган уйга нур кирар

Олис йўл отни синар,

Оғир кун – хотинни.

Оловга тегсанг, ўчар,

Қўшнингга тегсанг, кўчар.

Оналик уйнинг ори бор,

Оталик уйнинг – зари.

Оппоқ бўлган оқ уйим,

Ош-нони йўқ қоқ уйим.

Рўзғор зийнати – ўтин,

Уй зийнати – хотин.

Рўзғор тушди бошга,

Қўл тегмади ошга.

Рўзғор ўлчов билан,

Бойлик тежов билан.

Хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим

Бир асрга яқин Исломдан йироқ тутилган халқимиз, айниқса, аёллар орасида асли динимизда йўқ бўлган маросимлар ўтказиш, ҳанафий мазҳабидан йироқ бўлган манбаларга таянган ҳолда илм олиш оқибатида турли бузғунчи оқимлар домига тушиб қолиш каби аянчли ҳоллар кузатила бошлади. Мавжуд ижтимоий муҳит аёлларнинг фаолиятини назоратга олиш заруриятини юзага келтирди ва 1992 йилда ўша пайтдаги муфтий, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг 45-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошида Аёллар бўлими ташкил этилди.

1998 йилга келиб имом-хатибларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчилар фаолиятини ва шу асосда барча ҳудудлардаги аёлларни қамраб олиш мақсадида Масжидлар бўлими таркибига бириктирилади.

2013 йилга келиб эса бўлимлар таркиби бирмунча шаклланиб кенгайгач, Аёллар бўлими Масжидлар бўлими таркибидан ажралиб чиқади. Худди шу йил аёл-қизлар масалаларини кенгроқ қамраб олиш учун бутун республика бўйича бош имом-хатибнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилади.

Аёллар бўлими ташкил этилганидан ҳозирги кунгача ушбу бўлим аёллар орасида ибодат ва диний маросимлар ҳанафий мазҳаби асосида ўтказилишини таъминлаш, хотин-қизларнинг диний-маърифий ва оилавий муаммоларини ечиш юзасидан тегишли маслаҳатлар бериш, миллий

қадрият ва ҳанафий мазҳаби таълимотига зид ғояларни тарғиб қилиш ҳолатларининг олдини олиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган отинойиларнинг билим ва савиясини ошириш, отинойилар фаолиятини назорат қилиш, тўй ва маъракаларни ихчамлаштириш, миллий ва диний қадриятлар, диний маросимларнинг асл моҳиятини тушунтириш, мушкулкушод, биби сешанба, фолбинлик каби турли бидъат-хурофотларнинг олдини олиш борасида кўп хайрли ишларни амалга оширди.

Юртимиз муслималари ўртасида юзага келган соф исломий муҳит, унут бўлаётган бидъат-хурофотлар, фарзандига Аллоҳ омонати сифатида қараб, соғлом ва солиҳ фарзанд тарбиясини елкасига олаётган маърифатли оналарнинг кўпаяётгани Аёллар бўлимининг хизматларидан айримлари, холос.

Аёллар бўлими ташкил этилганидан буён Иқбол Исмоилова, Фотима Ҳақбердиева каби маърифатли аёллар фаолият юритди. Ҳозирда етакчи мутахассис Мунира Абубакирова, хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим мудирини вазифасини бажарувчиси Марям Абдуллаеваларнинг фидокорона меҳнатлари, иншоаллоҳ, хайрли янгиликларга васила бўлади.

Дилфуза РАҲИМОВА



ний маросимлар ҳанафий мазҳаби асосида ўтказилишини таъминлаш, хотин-қизларнинг диний-маърифий ва оилавий муаммоларини ечиш юзасидан тегишли маслаҳатлар бериш, миллий



Муфтий Муҳаммад Тақий Усманийнинг онаси

Аллома, шайх, муфтий Муҳаммад Шафиъ раҳимахуллоҳ Ислом уммати учун кўп меҳнат қилди. Аллоҳ таоло уни Ўз фазли ила олим ва тақводор зурриётлар билан неъматлантирди. Икки ўғли – Муҳаммад Рафиъ Усманий ва Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳ жаҳонга машҳур муфтийлар бўлиб етишди. Ана буларнинг барчасида Муҳаммад Шафиъ раҳимахуллоҳнинг аёли муҳим роль ўйнади.

Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳ бундай ёзди: “Отам вафотидан кейин онам менга энг катта ёрдамчи бўлди. Унинг меҳр-муҳаббати барча ташвишларга даво эди. Мулойим нигоҳи эса ҳаётнинг барча қийинчиликларининг аччиқлигини йўқ қиларди. Отамнинг бутун умри Ислом дини хизматида ўтди. Онам ҳар қандай вазиятда, тинч-нотинч даврларда отамни қўллаб-қувватларди. Динга эмин-эркин хизмат қилиши учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб берарди. Ҳатто уй юмушларини ҳам отамга айтмасди. Шубҳасиз, марҳум отам қилган барча эзгуликларда онамнинг ҳиссаси жуда катта бўлган (*Нукуш-э-рафтагон, 159–160-бетлар*).

Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳ ёзди: “Онамнинг қўллари нафақат бешик, балки илм ва тарбиянинг жонли маркази ҳам эди. У мени китоблар билан эмас, балки амалий ҳаёт

билан тарбиялаган. Онам коллеж, университет ёки мадрасани тамомламаган бўлса-да, феъл-атвори, таълим-тарбияга бўлган иқтидори ниҳоятда юқори эди. Бундай қобилият малакали мутахассис аёлларда ҳам учрамайди. Сабр-тоқат, хотиржамлик, фидойилик ва жасорат унинг учун иккинчи табиат эди. Онам менга урду тилидаги китобларни ўқиб берарди” (*Нукуш-э-рафтагон, 160-бет*).

Барча улуг зотлар она бағрида тарбияланган. Ислом тарихининг кўплаб буюк алломалари деярли етим қолган ва ёлғиз оналари қўлида вояга етган. Бироқ бундай натижага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун онадан метин жасорат ва фидойилик талаб қилинади.

Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳ ёзди: “Аллоҳ таоло онамга ибодатларни адо этишга кучли рағбат берди. У то тўшакка михланиб қолгунча Қуръон тиловати, дуо, зикр, тасбеҳ ва нафл намозларни асло қолдирмади. Тонг отгандан ярим тунгача фарзандларига, отам, кекса бувимга қараш билан машғул бўлиб, сира дам олмасди. Аммо бу хизматлар ҳеч қачон унинг ибодатларига тўсиқ бўлмасди. Ҳатто шол бўлиб тўшакка ётиб қолганида ҳам намозини қолдирмас, қиблага юзланиб, қўлидан келганича ўқирди.



Вафотидан бир неча кун аввал қиблага қараганида иккинчи марта фалаж бўлиб, тўшакка йиқилиб тушди. У шу ҳолатида ҳам ёстиқ остидан ниманидир излаб, қўлини қимирлатаётганини кўрдим. Ўша ерда унинг тасбеҳи турарди. Мен тасбеҳини излаётганини тушуниб, дарҳол уни олиб, қўлига узатдим. Ҳушидан кетгунича тинмай қўли билан тасбеҳ ўғирарди.

Бир неча кундан кейин онам бу дунёни тарк этди. Шундай қилиб, унинг ҳаётлик вақтида қилган охирги икки иши: намоз учун қиблага бурилиш ва тасбеҳ айтиш бўлди” (*Нукуш-э-рафтагон, 162-бет*).

Ҳикматлардан бирида бундай дейилади: “Қандай яшасанг, шундай ҳолатда вафот топасан”. Умрини Аллоҳ таолога бағишлаганлар охир-оқибат Аллоҳ таоло билан ажойиб тарзда учрашадилар. Агар биз ҳам мўъжизавий ўлимни хоҳласак, келинг, ажойиб ҳаёт кечиришни бошлайлик. Бундай ҳаёт гуноҳдан холи ва солиҳ ишларга тўла бўлади.

Даврон НУРМУҲАММАД

Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ўгай она

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Қайга кетишмоқда? Қаёққа бо-
радилар? Ҳар тун интизом билан
ҳаракатланган ой ва юлдузлар ни-
мани англатади, аслида? Ўзларига
тайин этилган вазифадан ташқа-
ри асло чиқмаган. Яратганнинг
азамати ва қудратига далолат эт-
гувчи бу юлдузларни бир муддат
томоша қилган Фотимахоним ич-
кари кираётиб, енгилгина совуқ
еганини сезди. Ўрнига ётаркан,
фақирлар ҳар доим, ҳар тун шун-
дай жунжикади, дея ўйлади.

Ташқарида ҳануз шамол фиғо-
ни эшитилиб турарди. Фотимахо-
ним шу фиғон аро Хайрияхоним-
ни ўйлади. Бир уюм тупроқ ҳолига
келган у хоним бу уйда неча йил
ётган? Мавлиддан унинг руҳи ха-
бардормиди ёки келганларга Хай-
рияхоним учун ўқияпман, дейиши
сохталик бўлдимиди? Бир муддат
шуларни ўйлади...

VII

Орадан икки йил ўтди. Фотима-
хонимдан ўзгаси бардош қилиши
қийин бўлган ҳодисаларга тўла
икки йил. Фотимахоним нафсидан
сабри устун келган икки йил. Бу
икки йил ичида Фотимахоним ҳам
бир қизли бўлди. Самиҳа...

Самиҳа уч ойга тўлган кунлар
эди. Фотимахоним икки дақиқага
қандайдир иш билан боққа чиқди.
Самиҳа ўрнида ётар, Одила ўйин-
чоқ ўйнар, ора-сира чўнтагидан
қовурилган нўхат олиб, оғзига
ташлаб қўярди. Икки дақиқадан
сўнг Фотимахоним ичкари кирга-

нида Одила чақалоқнинг тўшаги-
дан тушиб келарди. Бирдан юра-
ги шиғ этди. Ажабо, гўдакка бир
нарсa бўлдимиди?! Бу саволга жа-
воб излашга ҳожат ҳам, вақт ҳам
йўқ, чунки Самиҳанинг хирилла-
ши яхши нафас ололмаётганига
ишора эди. Фотимахонимнинг ичи
ёнди. Отилди. Самиҳанинг оғзи-
га кўпиклар тўплана бошлаганди.
Бармоғини оғзига суқди. Оғзида
ҳеч нарсa йўқ, аммо боланинг ран-
ги ва оғзидаги кўпиклар бўғилаёт-
ганини кўрсатарди.

Чақалоқни бағрига босди. Кўк-
рагидан оғзига икки томчи сут
оқизди. Бўғзи юмшайди, деди.
Одила унга нўхат едирмоқчи бўл-
гани аниқ эди. Бўғзидаги хирил-
лаш ортар, кўпиклар кўпаярди.
Болани олиб, йўлга чиқиб, док-
торга боргунча вақт ўтар, Фоти-
махоним пешонасида пайдо бўл-
ган терлар, кўзидан оққан ёшлар
ҳозир унинг не аҳволда эканини
билдириб турарди. Одилага қара-
ди, ҳеч нарсa бўлмагандай ўйнаб
ўтирибди.

– Одила, синглингга нима едир-
динг?

– Нўхат едирдим. Йиғлади-да...

Фотимахонимнинг ичидан кел-
ган бир ҳис чақалоқни қўйиб, Оди-
лани яхшилаб калтаклашни, ҳеч
курса, бир шапалоқ туширишни
амр этарди. Талваса пайтида қи-
линадиган энг қулай иш шу эди.
Ҳеч бўлмаса, юрагига бироз сув
сепилади.

Лекин Одилага тегадиган таёқ-
нинг Самиҳага фойдаси борми?
Бола икки шапалоқ билан туза-
либ қоладими? Одила бола бу ҳол-
га тушсин, деб шундай қилдимиди?
Истаб қилдимиди? Урганда келади-
ган фойда, афв этганда келадиган
зарар борми?

Фотимахоним шуларни ўйлаб,
Одилани уришдан воз кечди. Оди-
ла яна ҳеч нарсадан хабарсиз ҳол-
да ўйинчоқларини ўйнаб кетди.
Унинг шу масъум ҳолатини кўриб
Фотимахоним ёлворди:

– Ё Раббий, бағри ярим етим-
лар, кўнгли мунгли етимлар ҳур-
матига, менинг икки етим болам
ҳурматига боламини қутқар! Кичик
ёшда етим ва ўксик қолган Ҳаби-
бинг ҳурмати, етимларга елка тут-
ган, қўл узатган, ҳаққини қўриган
яхши инсонлар ҳурмати...

Фотимахоним орадан қанча
вақт ўтганини биладиган аҳвол-
да эмасди. Бу узрли ҳолат. Бола-
си бундай ҳолга тушган оналар
унинг нима ҳис қилганини тушу-
надилар, вақтнинг қандай ўтга-
нини билмаслигини ҳам айб са-
намайдилар. Қўлини чақалоқ-
нинг оғзига тикқанидан кейин
тўрт-беш дақиқача ўтди. Фақат
бу вақт боласи бўғилган учун ёки
оғриқлар, санчиқлар ичра қийнал-
ган, тиришган хаста учун оз деган-
да бир неча соатлардай туюлади.

Орадан беш дақиқача ўтганда
боланинг чуқур бир нафас олга-
нини ҳис этди. Бирдан юраги яна-



да қаттиқроқ ура бошлади. Фақат бемалол нафас олаётганини кўргач, тинчланди. Нўхат томоғидан ўтиб кетганди. Дарҳол бу мусибатни аритгани учун Аллоҳга шукр айтди. Боланинг ёноқларидан бир-бир ўпиб, ҳидлади ва ўрнига ётқизди. Юрак уриши, кўнгил безовталиги ҳали тамоман ўтиб кетмаганди. Бироз гул суви билан чаккаларини, юзларини силади. Фотимахоним учун катта мусибат, ўзи учун Самиҳага қовурилган нўхат едиришдан иборат бўлган бу ҳодиса нималарга олиб келганини билмаган Одила бемалол ўйнаб ўтирарди.

Ажабо, шу тобда бошида Самиҳахоним бир она бўлсайди, ҳоли не кечарди? Буни тахминий билиш қийин бўлмаса керак. Бу азият ва ҳақоратларни барча туққан оналар ҳамда ўғай оналар тасаввур қила оладилар.

Фотимахоним бу ҳодиса сабаб Одилага таёқ ўқталмади, урмади, ёмон сўз айтмади. Аммо чақалоқни у билан бошқа бирор марта ёлғиз қолдирмади.

Хусайн бу йил мактабга бориши керак. Отаси уни қўлидан тутиб, қайд эттириб келгани олиб борди. Хусайн мактаб очилиши яқинлашаётгани сари кучлироқ ҳаяжонланарди.

– Мактабда ўқиш қийинми, она? Сиз ҳам мактабга борганмисиз, она? – каби саволлар берар, Фотимахоним уни тинчлантирувчи сўзлар айтар, ўқиб буюк одам бўлишини тушунтирарди.

Фотимахоним Хусайн учун икки дона пешбанд қилиш ва уни мактабга доим топ-тоза қиёфада юбориш истагини Одилбекка билдирди. Ўртоқлари орасида хижолат бўлмасин, уялмасин, дерди.

Ўқиш очилган куни отаси уни

қўлидан тутди ва мактабга олиб борди.

Маҳалладан таниш бир болага топширди. Синфларга кириб-чиқишда ёрдам беришини тайинлади. Тушда кўп қатори мактабдан қайтаркан, дераза олдида Хусайннинг йўлига қараб турадиган бир она бор эди.

– Оҳ, онасининг жони келяпти, – дея унинг жажжи ёноқларидан ўпаркан, Хусайн жиддий оҳангда: – Тушлиқдан сўнг овқатлангач, яна ўқиш бор, она, – деди.

Покиза пешбанд, дазмолланган шим, мактабга бориб-келишида ярқираб турувчи, тозаланган поябзал, юзлари порлоқ бир бола... Бу ҳол ва бу қиёфа мактаб очилишида қандай бўлса, шундай давом этди.

Биринчи кун тоза борганлар иккинчи кун ҳам шундай бўлмайдилар, бугун оёқ кийими яп-янги бўлганлар бир неча кун ўтгач, лой ичида таниб бўлмайдиган ҳолга келтиришади. Ичларида бойи, фақири, жуда ҳам камбағаллари бор. Бироқ энг бойлари ҳам ўртаҳол оила фарзанди Хусайнга тозалик ва интизом жиҳатидан тенглашолмасди.

Бир кун ўқитувчи тозаликни текшираётиб, бир боланинг олдида тўхтади. Исми Йилмаз. Чўнтагининг чети йиртиқ, бир тугмаси тушган ва пешбанди кўп вақтлардан бери ювилмаганди.

– Йилмаз, сени эртага бундай кўрмайин. Онангга айт, ўқитувчи шундай деди, де, – деб танбеҳ бериб ўтди. Назорат давом этди. Хусайннинг ёнига келди.

– Қаранг, болалар! Ҳаммангиз Хусайндай бўлинг. Унга ўхшаб топ-тоза бўлиб келинг. Сен айт-чи, Йилмаз, ғайрат қилсанг, Хусайндай бўлмайсанми, ўғлим?! – Йилмаз бошини эгди, жавоб бермади.

– Гапир, сен ҳам Хусайндай озода бўлишни истайсанми, Йилмаз?

Йилмаз бош кўтармай мингирлади:

– Истайман, устоз.

– Жуда яхши! Модомики, истар экансан, эртадан бошлаб сени гулдай кўрайин. Уйга боришинг билан онангга айт, мен уялпман, ўқитувчи менга танбеҳ берди, де.

– Мен бундай деёлмайман, жаноб муаллим.

– Нега айтолмайсан? – Ўқитувчи асабийлашгандай бўлди. Йилмаз жавоб беравермагач, енгилгина, астагина қулоғидан тутди: – Буни қаранг-а! Ҳам тоза бўлмоқчи-миш, ҳам айтолмасмиш. – Сўнгра яна бироз дағаллашди: – !..

Йилмазнинг кўзидан сизилган икки томчи ёш муаллимга таъсир қилди, шекилли, юмшади, қулоғини секинроқ ушлади. Отасини узоқдан танирди, орқаворотдан биларди. Бой билан ўртаҳол орасидаги бир одам эди. Боласига янги либослар олиб бериш унчалик қийин бўлмаса керак. Унинг бошини силаб:

– Бошқа бундай адабсизлик қилма! – Йилмаз ва болаларга мурожаат қилди: – Йилмазнинг уйини биладиган борми?

– Бор, устоз.

Уч қўл баробар кўтарилди.

– Бугун кетишда Йилмазларни-кига учраб, менинг айтганларимни айтасиз.

– Айтмасинлар, жаноб муаллим.

– А-а-а-а?! Ҳаддингдан ошяпсан, Йилмаз... Нега айтмасинлар? Сабоби нима?

– Чунки айтсалар, таёқ ейман, устоз. Менинг ўз онам йўқ, менинг онам ўғай! – Йилмаз бу гапларни айтар экан, йиғлай бошлади. Йиғи аралаш қўшиб қўйди: – Айтганлари билан бажарармиди? Баттар уради.



Яна йиғлашга тушди. Ўқитувчи бу қадар қаттиққўллик қилганига пушаймон бўлди. Аҳвол бундай бўлиб чиқишини ўйламаганди. Йилмаз тўхтамасдан йиғларди.

– Йилмаз, йиғлама! Азамат йигитсан-ку ўзинг. Ташқарига чиқиб, юзингни юв! Ҳусайн, дўстингга ёрдамлаш!

Ҳусайн Йилмазнинг қўлидан тутди. Ёнма-ён синфдан чиқишди. Чашма бошида икки бола. Бири ўғай она зулмини, етимлик машаққатларини тотган, иккинчиси етимлигини билмаган, она меҳрини кўраётган етим.

Йилмаз юз-қўлини ювгач, қўлларини шимиға суртди:

– Рўмолчам йўқ. Ўзи бермайди, мен ҳам сўрамайман. Сўра-сам, ёмон сўзлар айтади. Сен ўлмадинг, мен қутулмадим, дейди. Бечора онамга ҳам тил теккизади.

Ҳусайн чўнтагидан рўмолчасини чиқарди:

– Ол, Йилмаз. Сеники бўлсин.

– Олмаيمان, Ҳусайн.

– Олмасанг, хафа бўламан.

Йилмаз рўмолчани олди. Чўнтагига солди. Бирга синфга кирдилар. Тушдан сўнг мактабдан уйга қайтган Ҳусайнда паришонлик сезиларди.

– Болагинам, нега хафа кўринасан, биров билан уриш-дингми ёки бошқа бир ҳодиса рўй бердимми? – дея ҳол сўради Фотимахоним.

– Йўқ, она, ҳеч нарсани ўйлаганим йўқ. Ўқитувчим мени болаларга кўрсатиб: “Ҳусайндек бўлинглар”, деди.

– Офарин, ўғлим! Аммо сен яна ниманидир ўйлаяпсан?

– Йўқ, она, ҳеч нарсани ўйлаганим йўқ. Синфимизда Йилмаз деган бола бор. Усти-боши кир, йиртиқ... – Ҳусайн синфда бўлган воқеани бошидан ҳикоя қилиб берди. – Она, жуда ачиндим, унга рўмолчамни бердим, жаҳлингиз чиқмас.

– Оббо болам-ей, яхшилик қилсанг, нега жаҳлим чиқсин?! Жуда яхши қилибсан. Эртага дўстингни айтиб кел. Онам сўтилган кийимларингни тикмоқчи, де. Албатта олиб кел, хўпми? Сенга ҳам савоби тегади. Етимга ёрдам қилганинг учун Аллоҳ сенга савоб беради.

Эртаси кун Ҳусайн онасининг айтганини қилди. Бир болани эргаштириб келди. Бу боланинг ўғай она зулми остида, қаровсиз ўсганини англамоқ учун аҳмоқнинг икки бор қарашига ҳожат йўқ. Фотимахоним уларга овқат берди. Улар овқатланаётган пайтда кийимларини тикди, тозалади, дазмоллади.

Бир соатдан сўнг кўчага чиққан бола менинг ҳам шундай онам бўлсайди, деган орзу билан ўғай онаси бўлган уйи томон йўл олди. У кетиши билан Ҳусайн Фотимахонимнинг бўйнидан қучоқлади:

– Бир дона онам, доно онам, буларни мен учун қилдингизми?

– Албатта, ўғлим, яна олиб кел, кутаман, яна шундай қиламан.

(Давоми бор.)

Йўлдош ЭШБЕК таржимаси

Ошхона одоблари



Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам
севган ширинлик

Сарвари коинот соллаллоҳу алайҳи ва саллам тайёрланиши осон ва фойдали бўлган таомларни хуш кўрганлар. Имом Табаронийдан ривоят қилинишича, Усмон розияллоҳу анҳу эронликлар билан тижорат қилган. Савдо вақтида улардан олиб келган ширинлиги Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ёққан. Бу ширинлик “Фаллузаж”, яъни ундан тайёрланган ҳолва бўлиб, жуда оддий ва хуштаъмдир.

Керакли масаллиқлар:

• Ун

• Зайтун ёғи ёки эритилган сариёғ

• Асал

Тайёрланиши:

Унни кўп миқдордаги зайтун ёғи ёки сариёғда қовуринг. Ундан сўнг суюқ асал солинг, қаттиқ ҳолатга келгунча аралаштиринг ва исталган шаклга келтиринг. Ширинлик совугандан сўнг истеъмол қилишингиз мумкин.

Интернет манбалари асосида
Маҳбуба СОДИҚОВА тайёрлади.